БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 202 (693)

13 ОКТЯБРЬ ШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Кеча Тошкентда, Свердлов номли концерт залида Ўзбекистон интеллигенцияси съезди ўз ишини давом эттирди.

Бугун съезднинг навбатдаги мажлиси бўлади.

Қозоғистон КП Марказий Комитети ва Қозоғистон ССР Министрлар Советига

КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети Қозоғистон ССРнинг колхозчиларини, МТС ва совхоз ишчиларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини, партия ва совет ходимларини, барча меҳнаткашларини Сибирь ғаллакорлари билан олиб борилган социалистик мусобақада олган мажбуриятларини муваффақиятли бажарганликлари билан қизғин табриклайдилар. Қозоғистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари катта ғалабага эришдилар: давлатга 1 миллиард 340 минг пуд ғалла, ёки давлат планида кўрсатилганидан 402 миллион пуд кўп ғалла топширилди.

КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети эўр мамнуният билан шуни қайд қиладиларки, Қозоғистон ССРда дон етиштиришни кескин суратда кўпайтириш соҳасида эришилган ғалаба колхозчилар, МТС ва совхоз ходимларининг қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш юзасидан партия ва ҳукумат томонидан белгиланган тадбирларни бажариш учун фидокорона меҳнат қилишлари натижасидир. Қозоғистонда қисқа вақт ичида қарийб 20 миллион гектар маҳсулдор қўриқ ерлар ўзлаштирилди ва шу муносабат билан республикада дон экинлари майдони уч баравардан зиёд кўпайди. Бу йил дон экинларидан мўл ҳосил етиштирилди, республикадаги колхоз ва совхозларда ғалла ўрим-йиғими вақтида қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг социалистик мусобақаси кенг қизитиб юборилди. Бу мусобақа давомида неча юз минглаб колхозчилар, МТС ва совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик механизаторлари, автомашиналар ҳайдовчилари, ҳосил ўрим-йиғимида актив ёрдам берган ёшлар ва Совет Армияси жангчилари эўр маҳорат ва қаҳрамонлик кўрсатдилар, улар фидокорона меҳнатлари туфайли бутун совет халқининг муҳаббати ва ҳурматига сазовор бўлдилар.

Қозоғистон ССР қишлоқ хўжалик ходимларининг ажойиб намунаси мамлакатимиздаги колхоз ва совхозлар ҳар йили олинадиган ялпи дон ҳосилини 11 миллиард пудга етказиш юзасидан КПСС XX съезди томонидан қўйилган вазифани энг тез бажариш учун жуда катта резерварларга эга эканликларини кўрсатади.

КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети қаттиқ ишонч билдириб айтадиларки, Қозоғистон ССРдаги қишлоқ хўжалик ходимлари ва барча меҳнаткашлар дон, гўшт, жун ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш соҳасида янада эўр ғайрат билан ишлайдилар ва республика социалистик қишлоқ хўжалигини юксалтиришда янгидан-янги муваффақиятларга эришадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА АВСТРИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

11 октябрда КПСС Марказий Комитетида Хитойдан қайта туриб Москвада тўхтаган Австрия Компартияси делегацияси билан суҳбат бўлди.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ М. А. Суслов, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ П. Н. Поспелов, Австрия Компартияси Марказий Комитетининг сиёсий бюро аъзолари ва секретарлари Ф. Фюрнберг, Ф. Хоннер ва Г. Фриц ўртоқлар қатнашдилар.

Икки қардош партия вакилларининг суҳбати дўстлик ва тўла ҳамжиҳатлик руҳида ўтди.

Ўзбекистон интеллигенцияси съезди

Съезднинг 11 октябрь кечқурини ва 12 октябрдаги мажлисларида ўртоқ **Н. А. Муҳитдиновнинг** доклади юзасидан музокаралар бўлди.

11 октябрдаги музокараларда Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари **Р. F. Гуломов**, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти **Ҳ. М. Абдуллаев**, Ўрта Осиё давлат университетининг ректори **Т. А. Саримсоқов**, Бухоро область партия комитетининг секретари **Ж. Номозов**, «Ўзбекэнерго» бошқарувчиси **М. И. Жеребцов**, Самарқанд Медицина институти бирлашган клиникасининг бош врачи **У. Орипов** ўртоқлар сўзладилар.

Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети ва Қозоғистон ССР Министрлар Советининг съездга юборган телеграммаси ўқиб эшитдирилди. Шундан кейин съезд қатнашчилари Қирғизистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти **Д. Олишбоевнинг** табрик нутқини тингладилар.

12 октябрдаги мажлисда съезд қатнашчилари минбарга чиққан Миср олимлари ва ёзувчилари делегациясининг раҳбари, филология ва ҳуқуқ доктори жаноб **Муҳаммад Мандурни** самимий қутиб олдилар ва унинг табрик нутқини тингладилар.

Съезд Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министри **Р. С. Соатов**, Қорақалпоғистон обкомининг секретари **У. Арзимбетов**, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари **Қ. Мурталиев**, Қозоғистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент-аъзоси **И. К. Қорақуловнинг** нутқини эшитди. Кейин Мандат комиссиясининг раиси, Ўзбекистон КП Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири ўртоқ **F. F. Юсупов** доклад қилди. Шу мажлисда «Коммунист» журналининг бош редактори **А. М. Румянцев**, Ўзбекистон ССР Маданият министри **А. М. Қўчқоров** ўртоқлар сўзладилар.

Ўзбекистон интеллигенцияси съездини Озарбайжон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ **А.С. Байрамов** табриклади. Шундан кейин «Средазнефть» бирлашмасининг инженери ўртоқ **М. Саримсоқова**, қардош Арманистон вакили шоир **Геворк Эмин**, «Голодностепстрой» бошқармасининг бош инженери **И. Я. Каминский**, Туркманистон делегациясининг раҳбари, Туркманистон КП Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири **А. Отаев**, Тошкент Ядро физикаси институтининг директори академик **У. О. Орифов**, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг биринчи секретари **С. Азимов**, Тошкент Консерваториясининг директори, СССР халқ артисти **М. Ашрафий** ўртоқлар сўзладилар.

Съезд ўз ишини давом эттирмоқда.

Кечқурин съезд қатнашчиларига катта концерт қўйиб берилди, концертда республиканинг санъат усталари иштирок этди.

УЗБЕКИСТОН ИНТЕЛЛИГЕНЦИЯСИ СЪЕЗДИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX съездининг тарихий қарорлари ва Ўзбекистон интеллигенциясининг вазифалари

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Н. А. МУҲИТДИНОВНИНГ 1956 йил 11 октябрда қилган доклади

Ўртоқлар! Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX съездининг қарорлари СССР халқлари учун ҳозирги куннинг байроғи бўлиб қолди.

Съезднинг тарихий қарорларини совет халқи ва чет мамлакатларнинг меҳнаткашлари чин қалбдан маъқулладилар.

Партия XX съезди марксизм-ленинизм кучининг енгилмаслигини кўрсатувчи ёрқин намойиш бўлди. Съезд ҳамлакатимизда коммунизм қуриш соҳасида бундан буён қилинадиган ишларнинг кенг программасини тузиб берди.

Съезд қарорларида икки системанинг тинч-тотув яшаши масаласи, ҳозирги замонда урушларнинг олдини олиш мумкинлиги масаласи ва турли мамлакатларнинг социализмга ўтиш формалари масаласи каби халқаро тараққиётнинг ҳозирги вақтдаги туб ва принципиал масалалари чуқур ишлаб чиқилди.

Съезд И. В. Сталин шахсига сиғиниш назариясининг ва практикасининг марксизмга қарши моҳиятини ҳамда сиёсий жиҳатдан зарарли эканлигини фош қилиб ташлади ва қоралади. И. В. Сталин шахсига сиғинишнинг авж олганлиги партия ва халқ оммасининг ролини камситиб юборган эди. коллектив раҳбарликнинг ленинча принципларини бузган эди. бу эса хўжалик-сиёсий вазифаларни ҳал қилишда жиддий нуқсонларга, социалистик қонунчиликни бузиш ҳолларига олиб келган эди.

Шахсга сиғинишнинг авж олиши идеология ишига катта зарар етказди. пропаганда ишларида догматизмга ва қироатхонликка, пропагандаларнинг коммунистик қурилиш практикасидан ажралиб қолишига олиб келди.

Эндиликда партиямизда ва мамлакатимизда коллектив раҳбарлик принциплари қайта тикланди. партия ҳаётининг ленинча нормалари қатъият билан амалга оширилмоқда. партиянинг меҳнаткашлар кенг оммаси билан алоқалари тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамланди.

КПСС XX съезднинг қарорларини бутун партиямиз ва совет халқи. шунингдек чет мамлакатлардаги коммунистик ва ишчи партиялар яқдиллик билан маъқуллаётилар.

Империалистик реакция КПСС XX съезди тарихий қарорларининг жозибадор кучини капиталистик ва мустамлака мамлакатларнинг меҳнаткашлари олдида камситмоқ учун СССРга ва халқ демократияси мамлакатларига қарши тухматлар ёғдиришни авж олдириб юборди. Империалистик реакция И. В. Сталин шахсига сиғинишга доир бўлган, партиямиз ва халқимиз томонидан қораланган баъзи фактлардан фойдаланишга, совет социалистик тузумини қоралашга уринмоқда, шахсга сиғиниш ўтмишда колиб кетган муайян шароитнинг. Сталининг ўзига хос субъектив характерининг маҳсули эмас, балки совет системасининг маҳсули деб даъво қилмоқда. Лекин бу ўта кетган тухматдир.

КПСС Марказий Комитетининг «Шахсга сиғинишни ва унинг оқибатларини тугатиш тўғрисида» 1956 йил 30 июнда чиқарган қарорида шахсга сиғинишнинг келиб чиқишига нималар сабаб бўлганлиги марксизм нуқтаи назаридан чуқур анализ қилиб берилди. Ҳеч қандай шахсга сиғиниш совет тузумимизнинг социалистик табиатини ўзгартиргани йўқ ва ўзгартира олмас ҳам эди. Шахсга сиғиниш бўлишига қарамай ва ундан қатъи назар Коммунистик партия раҳбарлик қилаётган халқ оммасининг бизнинг тузумимиз туфайли туғилган қудратли таъшаббуси социализм қуриш йўлидаги тўсқинликларнинг ҳаммасини енгиб. ўзининг улуғ тарихий ишини қила берди.

Партиямиз шахсга сиғинишни қоралаб ва унинг зарарли оқибатларини қатъият билан тугатиш ишларини олиб борар экан. халқ манфаатларини. коммунизм қурилиши манфаатларини кўзлаб иш кўрди. Партиямиз бу масалани далиллик билан ва очиқора қўйиб. ленинча принципиалликнинг улуғ намунасини кўрсатди.

Танқид ва ўз-ўзини танқидан фойдаланиш. камчиликларни далиллик билан очиб ташлаш партиямизнинг кучсизлигини кўрсатаётган белги эмас. балки партиямизнинг кучи ва қудратини кўрсатадиган белгидир. «Сиёсатда ҳалоллик кучликнинг натижасидир.—деган эди В. И. Ленин.—мунофиклик — кучсизликнинг натижасидир».

Ҳатто католикларнинг Бельгияда чиқадиган «Либр Бельжик» газетаси бундай деб ёзди: «Ўтмишдаги ўз хатоларини очиқ-ойдин айтиши мумкин бўлган тузум мустаҳкам тузум деган таассурот туғдиради. Фақат шундай тузумгина бундай ишни қилиши мумкин. Бизнинг мамлакатимиздаги сиёсий партиялар ва арбоблар ўзлари хато қилиб қўйганларида. уни бўйнига олишдан жирканишлари улар учун одат бўлиб қолган. чунки улар бундан ўзларига қарши бошқаларнинг фойдаланишини билишилар».

КПСС XX съезднинг қарорлари бутун жаҳон жамоатчилигининг диққат марказида турибди. XX съезд халқаро коммунистик ва ишчи ҳаракатини тағин ҳам кўпроқ жипслаштирди. коммунистик ва ишчи партияларнинг сафларини янада мустаҳкамлашга ёрдам берди. Франция Компартиясининг яқинда бўлиб ўтган XIV съезди ва Хитой Коммунистик партиясининг VIII съезди бунинг ёрқин далилидир.

Бошқа мамлакатлардаги коммунистик ва ишчи партияларнинг шу съезларга борган вакиллари сўзлаган нутқларида ва табрикларида. ўша съезларда қилинган докладларда ва сўзланган нутқларда КПСС XX съезднинг қарорлари тўла равишда маъқулланди. марксизм-ленинизмга. пролетар интернационализмга садоқат изҳор қилиниб. коммунистик. ишчи партияларнинг бирлиги ва жипслашганлиги ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Хитой Коммунистик партиясининг VIII съездида Хитой Халқ Республикаси эришган тарихий ғалабалар якунланди ва Хитойни қудратли индустриал социалистик давлатга айлантириш вазифаси 600 миллионлик хитой халқи олдига бош вазифа қилиб қўйилди.

Совет Ўзбекистони меҳнаткашлари улуғ хитой халқига сташин қардошлик саломини йўллайдилар ва унга социализм қуришда бундан буён ҳам катта муваффақиятлар тилайдилар. **(Гулдурос қарсаклар).**

Ўртоқлар! Партия XX съезди ўз ишини тамомлагандан бери олти ойдан кўпроқ вақт ўтди. Съезд қарорларининг ҳаётбахш таъсири Совет Иттифоқи ҳаётининг ҳамма томонларига. жаҳон тарихининг бутун боришига таъсир қилмоқда.

Ўзбекистон интеллигенциясининг бу биринчи съезди совет халқи партия XX съезди белгилаб берган улуғ режаларни амалга ошириш йўлида жуда катта яратувчилик ишини бажараётган бир вазиятда тўпланди. Жамиятимизнинг олға томон қилаётган жадал ҳаракати йилдан-йилга янги-янги вазифаларни илгари сурмоқда.

Олтинчи беш йилликнинг характерли белгиси шуки, бутун мамлакатнинг халқ хўжалиги электрлаштиришни янада ривожлантириш, атом энергиясидан фойдаланиш, саноатни, қурилишни ва қишлоқ хўжалигини комплекс равишда механизациялаш, автоматлаштириш, энг янги машиналарни, ускуналарни ва илғор технологияни жорий қилиш асосида ишлаб чиқаришнинг тагин ҳам юксак техника даражасига ўтмоғи керак.

Саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг Ўзбекистонда эришилган даржаси. фан ва техника соҳасидаги муваффақиятлар, республикамизда кўп минг кишилик интеллигенция борлиги ҳамда ишчилар синфи ва колхозчи деҳқонларнинг маданий-техника савияси ғоят ўсганлиги — мана шуларнинг ҳаммаси республика халқ хўжалигини янада юксалтирмоқ учун, республикамизнинг ишлаб чиқарувчи кучларини тўлиқ равишда ривожлантирмоқ учун шарт-шароит вужудга келтирмоқда.

Партиямиз тарбиялаб воғга етказган, халқ манфаатларига чексиз содиқ бўлган совет интеллигенцияси коммунистик қурилишда ҳамиша актив қатнашиб келди. Ҳозир бутун ғаш шундаки: маданий қурилишда, меҳнаткашларни тарбиялашда интеллигенциянинг ролини янада ошириш билан бир қаторда, моддий ишлаб чиқариш соҳасида ҳам интеллигенциянинг фаолиятини анча активлаштириб, партия XX съезди тарихий қарорларини амалга оширида интеллигенциянинг тажрибалари, билимлари. ижодий имкониятлари ва ташкилотчилик қобилиятларидан тўлароқ фойдаланиш керак.

Шу сабабли Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика олдида туган катта хўжалик-сиёсий вазифаларни ҳал қилишда интеллигенциянинг аҳамияти кундан-кунга ошаётганлигини ҳисобга олиб, шу съездни чақиришга қарор қилди.

Халқ маданиятини ривожлантиришда эришилган жуда катта муваффақиятларнй фақат совет халқининг ашаддий душманларигина, фақат империалистик реакциянинг маддохларигина инкор қилишлари мумкин. Фақат шуларгина Ўзбекистоннинг давлат суверенлигини шубҳа остига олишлари мумкин.

Совет давлати ривожланиб бораётганлигини кўрсатувчи фактлар, иттифоқчи республикаларнинг экономикаси ва маданияти барқ уриб яшнаётганлигини кўрсатувчи фактлар уларнинг гирт тухматдан иборат ҳамма уйдирмаларини батамом рад қилиб ташлайди.

Ҳар бир совет республикаси каби Совет Ўзбекистонининг суверенитети ҳам ўз территориясида олий ҳокимиятни амалга ошираётган ва ўзининг ҳамма ишларини ўзи сайлаган ҳамда ўзига ҳисобдор бўлган Советлар орқали бошқараётган халқнинг революцион ҳоқиш-продасига асосланади.

Ўзбекистон Совет Социалистик республикаси иқтисодий жиҳатдан ҳам. сиёсий жиҳатдан ҳам ҳеч қайси давлатга қарам эмас. У Совет Иттифоқи халқлари кўп миллатли оиласида тенг ҳуқуқли аъзоларнинг биридир. Бошқа иттифоқчи республикалар каби Совет Ўзбекистони ҳам тенг асосларда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига кириб. ўзининг баъзи ҳуқуқларини барча совет халқларининг умумий манфаатларини таъминлайдиган умумиттифоқ ҳокимият органлари ихтиёрига ўз ҳоҳиши билан топширди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети составида 424 депутат. маҳаллий Советларда эса 42 минг депутат бор. Булар республикада яшовчи меҳнаткашлар барча табақаларининг. Ўзбекистондаги барча миллатларнинг вакилларидир. Бу эса давлат ҳокимияти барча органларининг чинакам халқчиллигини. чинакам демократлигини ёрқин исбот қилади.

СССР ҳокимиятининг олий органларида ҳам иттифоқчи республикаларнинг вакиллари жуда кўп. Бизнинг республикамиздан СССР Олий Советида 57 депутат. шу жумладан Иттифоқ Советида 21 депутат. Миллатлар Советида 25 депутат ва Қорақалпоғистон АССРдан 11 депутат бор.

СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг ва Миллатлар Советининг ҳар бир доимий комиссиясида Ўзбекистондан депутатлар бор.

Партия ўзининг миллий сиёсатида Ленининг. социализм миллий тафовутлар ва хусусиятларни йўқ қилмайди. балки. аксинча. барча миллатлар ва халқлар экономикасини ҳамда маданиятини ҳар томонлама ривожлантиришни ва яшнатишни таъминлайди. деган қоидасига асосланиб келди ва асосланмоқда.

Партиямизнинг доно ленинча миллий сиёсати тантана қилганлигини Ўзбекистон мисолида яққол кўриш мумкин.

Революциядан олдинги Ўзбекистон чор Россиясининг қолоқ. мустамлакадан иборат чекка ўлкаси эди. Унинг территориясида фақат бир неча пахта заводи ва мой заводи ҳамда бир қанча ярим кустарь типидаги корхоналар ва темир йўл мастерскойлари бор эди.

Совет ҳокимияти йилларида республикамизда юксак ривожланган. ҳозирги замон талабларига тўла равишда жавоб берадиган саноат барпо қилинди. Республика саноатининг ялпи маҳсулоти 1913 йилдагига нисбатан 14 баравар кўпайди. Кейинги 15 йил мобайнида барча ишчи ва хизматчиларнинг сони қарийб икки баравар кўпайди ва ҳозирги вақтда 1 миллион кишидан ортиб кетди.

Илгари Ўзбекистоннинг ўз металлургияси ва машинасозлик саноати бўлмаган эди. Ҳозирги вақтда республикамиз металл, хилма-хил машиналар ишлаб чиқармоқда. Қишлоқ хўжалик ва тўқимачилик машинасозлиги кенг ривожланди.

Бизнинг корхоналаримиз экскаваторлар ва пахта териш машиналари. культиваторлар ва пичан ўрадиган машиналар. гидронасослар ва ариқ қазийдиган машиналар. қўтаргич кранлар ва ип йигирадиган машиналар ва бошқа жуда кўп хил машиналар ишлаб чиқармоқда.

Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш соҳасида Ўзбекистон Совет Иттифоқида Россия Федерацияси ва Украинадан кейин учинчи ўринда туради.

1913 йилда Ўзбекистон территориясида бир тонна ҳам кўмир чиқаримас эди. 1955 йилда Оҳангарон кўмир ҳавзасининг ўзи 2 миллион 600 минг тонна кўмир берди. Илгари Ўзбекистонда ҳаммаси бўлиб 13 минг тонна нефть чиқарилган эди. Ўтган йил эса 1 миллион тоннага яқин нефть чиқарилди.

Электр қуввати ишлаб чиқариш 1200 баравар кўпайди. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда. ҳозирги вақтда бизнинг республикамизда Туркиядагига нисбатан ўн баравар кўп электр қуввати ишлаб чиқаримоқда.

Республикамизда кўпгина енгил саноат ва озиқ-овқат саноати корхоналари барпо қилинди.

Ип-газлама ишлаб чиқариш соҳасида Ўзбекистон Россия Федерациясидан кейин СССРда иккинчи ўринда туради. 1955 йилда республикамизда 212,3 миллион метр ип-газлама ишлаб чиқарилди.

Рангли металлургия. нодир металлар чиқариш тез суръатлар билан ривожланмоқда.

Республикамизни индустриалштириш натижасида Чирчиқ. Оҳангарон. Олмалиқ. Бекобод. Ленинск. Янгийўл сингари янги саноат шаҳарлари вужудга келди.

Республика қишлоқ хўжалигида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди.

Суғориладиган экин майдонлари 1913 йилдагига нисбатан 800 минг гектар кенгайди. Қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги айниқса ортди. Мамлакатни индустриалштириш қишлоқ хўжалигини тракторлар, машиналар билан таъминлашга. қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги бир қанча муҳим ишларни машиналаштиришга имкон берди. Ўзбекистонда (15 от кучига эйлантириб ҳисоблаганда) 50 мингдан кўп трактор. 20 мингга яқин пахта териш машинаси. 120 минг тирков асбоблари ва механизмлар бор.

Пахта ўзбек халқининг асосий бойлигидир. Пахта етиштириш Совет ҳокимияти йилларида республикамизда ниҳоят даражада кўпайтирилди.

Революциядан олдин 1913 йилда пахтадан ўша вақтга нисбатан энг кўп ҳосил олинган эди. Ҳозирги Ўзбекистон территориясида 518 минг тонна пахта терилган эди. Ўтган йил республикамиз колхозлари ва совхозлари 2,5 миллион тонна пахта бердилар. Бу йил Ўзбекистон колхозлари ва совхозлари давлатга камида 3 миллион тонна, яъни 1913 йилда Ўзбекистонда олинган пахтага қараганда қарийб 6 баравар кўп пахта топширадилар.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Бразилия. Покистон. Туркия ва Эроннинг ҳаммасини қўшиб ҳисоблаганда ҳам шу пахтакор мамлакатларнинг етиштирадиган пахтасига баравар келадиган миқдорда пахта етиштириб бермоқда.

Бразилия. Франция. Туркия. Эрон. Греция. Испания. Ливан. Хинди-Хитой. Бельгия Конгоси мамлакатларининг ҳаммасига қараганда ҳам биз 1,5 баравар кўп пилла бермоқдамиз.

(Давоми иккинчи бетда)

Ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси

Ўртоқлар! Бошқа қардош республикалар сингари Ўзбекистон ҳам Совет ҳокимияти йилларида, Совет Иттифоқидаги тенг ҳуқуқли ва эркин халқлар оиласида яшаб, ўзининг сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиётида жуда катта муваффақиятларга эришди.

Улуғ Октябрь революцияси озодликка чиқарган Ўзбеклар, қозоқлар. тожиклар. туркманлар, қирғизлар ва қорақалпоқлар Ватанимизнинг ҳамма халқлари сингари социалистик тараққиёт йўлига тушиб олиб, илғор маданиятни ва цивилизацияни олға силжитишга даёқатли эканликларини бутун дунёга яққол кўрсатдилар ва бу билан чет эл Шарқи халқларини руҳлантирувчи ўрнак бўлдилар.

Коммунистик қурилишдаги муваффақиятларимиз Совет Иттифоқидаги барча социалистик миллатлар ва халқлар томонидан биргаликда қилинаётган ишларнинг натижасидир, улар томонидан пролетариат интернационализмининг улуғ принциплари асосида ижодий ҳамкорликда қилинаётган ишларнинг натижасидир.

Улуғ Ленин илҳомчиси бўлган Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи барпо қилинганлиги натижасидагина совет халқлари жаҳоншумул-тарихий муваффақиятларга эришиш имкониятига эга бўллилар. Тенг ҳуқуқли республикалар иттифоқи барпо қилинганлиги Коммунистик партия миллий сиёсатининг ғоят катта ғалабаси бўлди.

В. И. Ленин катта ва кичик халқларнинг қардошларча дўстлигини мустаҳкамлашга. илгари эзилган миллатларнинг эҳтиёжларига сезгирлик билан эътибор беришга чақирган эди, миллий масаланинг тўғри ҳал қилиниши фақат Советлар мамлакати учунгина эмас шу билан бирга Осиё, Африка ва бошқа континентлардаги юз миллионлаб халқлар учун ҳам жуда катта аҳамиятга эга бўлади деб уқтириб ўтган эди.

Партиямизнинг мамлакатимизда тўла ғалаба қозонган миллий сиёсати бутун дуё меҳнаткашлари қалбида ғоят эўр ишонч қозонди, бутун дунё меҳнаткашларининг ўз эркинликлари ва мустақилликлари учу, империалистик, мустамлакачилик асоратига қарши олиб бораётган курашларида битмас-туганмас илҳом манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбек халқи Совет Иттифоқининг бошқа халқлари сингари марксизм-ленинизмнинг қудратли таълимоти ёритиб турган тўғри йўлдан бораётганлигига. Коммунистик партиянинг миллий сиёсати бирдан-бир тўғри сиёсат эканлигига ва ўзининг ҳамма муваффақиятларга, ўзининг эркинлигига, ўзининг бахт-саодатига фақат Коммунистик партия туфайли эришганлигига астойдил ишонди.

Ҳозирги замон империализминнинг идеологлари совет миллий республикаларининг суверенлигига ва муваффақиятларига шубҳа билан қарамоқдалар. Америка олий судининг бадном бўлиб шармандаси чиққан эзоси Дуллас сингари ашаддий тухматчилар ва ссхтакорлар эбекистоннинг ва Ўрта Осиёдаги бошқа республикаларнинг аъоли Африкадаги мустамлака мамлакатларнинг аҳволидан фқ қилмайди. деган разил даъволарни қилишдан ҳам тоймайдилар. Англияда чиқадиган «Дейли Экспресс» газетасининг олими Рене Маккол ўзининг «Ҳозиргина Россиядан келдим» деган китобида ўзбек халқига тухмат қилади. унинг миллий фазилатини камситади. «5-10 йилдан кейин ўзбек миллий маданияти йўқ бўлиб кетади» деган пуч даъволарни қилади.

Ўзбекистон экономикасини ва маданиятини ривожлантиришда эришилган жуда катта муваффақиятларнй фақат совет халқининг ашаддий душманларигина, фақат империалистик реакциянинг маддохларигина инкор қилишлари мумкин. Фақат шуларгина Ўзбекистоннинг давлат суверенлигини шубҳа остига олишлари мумкин.

Совет давлати ривожланиб бораётганлигини кўрсатувчи фактлар, иттифоқчи республикаларнинг экономикаси ва маданияти барқ уриб яшнаётганлигини кўрсатувчи фактлар уларнинг гирт тухматдан иборат ҳамма уйдирмаларини батамом рад қилиб ташлайди.

Ҳар бир совет республикаси каби Совет Ўзбекистонининг суверенитети ҳам ўз территориясида олий ҳокимиятни амалга ошираётган ва ўзининг ҳамма ишларини ўзи сайлаган ҳамда ўзига ҳисобдор бўлган Советлар орқали бошқараётган халқнинг революцион ҳоқиш-продасига асосланади.

Ўзбекистон Совет Социалистик республикаси иқтисодий жиҳатдан ҳам. сиёсий жиҳатдан ҳам ҳеч қайси давлатга қарам эмас. У Совет Иттифоқи халқлари кўп миллатли оиласида тенг ҳуқуқли аъзоларнинг биридир. Бошқа иттифоқчи республикалар каби Совет Ўзбекистони ҳам тенг асосларда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига кириб. ўзининг баъзи ҳуқуқларини барча совет халқларининг умумий манфаатларини таъминлайдиган умумиттифоқ ҳокимият органлари ихтиёрига ўз ҳоҳиши билан топширди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети составида 424 депутат. маҳаллий Советларда эса 42 минг депутат бор. Булар республикада яшовчи меҳнаткашлар барча табақаларининг. Ўзбекистондаги барча миллатларнинг вакилларидир. Бу эса давлат ҳокимияти барча органларининг чинакам халқчиллигини. чинакам демократлигини ёрқин исбот қилади.

СССР ҳокимиятининг олий органларида ҳам иттифоқчи республикаларнинг вакиллари жуда кўп. Бизнинг республикамиздан СССР Олий Советида 57 депутат. шу жумладан Иттифоқ Советида 21 депутат. Миллатлар Советида 25 депутат ва Қорақалпоғистон АССРдан 11 депутат бор.

СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг ва Миллатлар Советининг ҳар бир доимий комиссиясида Ўзбекистондан депутатлар бор.

Партия ўзининг миллий сиёсатида Ленининг. социализм миллий тафовутлар ва хусусиятларни йўқ қилмайди. балки. аксинча. барча миллатлар ва халқлар экономикасини ҳамда маданиятини ҳар томонлама ривожлантиришни ва яшнатишни таъминлайди. деган қоидасига асосланиб келди ва асосланмоқда.

Партиямизнинг доно ленинча миллий сиёсати тантана қилганлигини Ўзбекистон мисолида яққол кўриш мумкин.

Революциядан олдинги Ўзбекистон чор Россиясининг қолоқ. мустамлакадан иборат чекка ўлкаси эди. Унинг территориясида фақат бир неча пахта заводи ва мой заводи ҳамда бир қанча ярим кустарь типидаги корхоналар ва темир йўл мастерскойлари бор эди.

Совет ҳокимияти йилларида республикамизда юксак ривожланган. ҳозирги замон талабларига тўла равишда жавоб берадиган саноат барпо қилинди. Республика саноатининг ялпи маҳсулоти 1913 йилдагига нисбатан 14 баравар кўпайди. Кейинги 15 йил мобайнида барча ишчи ва хизматчиларнинг сони қарийб икки баравар кўпайди ва ҳозирги вақтда 1 миллион кишидан ортиб кетди.

Илгари Ўзбекистоннинг ўз металлургияси ва машинасозлик саноати бўлмаган эди. Ҳозирги вақтда республикамиз металл, хилма-хил машиналар ишлаб чиқармоқда. Қишлоқ хўжалик ва тўқимачилик машинасозлиги кенг ривожланди.

Бизнинг корхоналаримиз экскаваторлар ва пахта териш машиналари. культиваторлар ва пичан ўрадиган машиналар. гидронасослар ва ариқ қазийдиган машиналар. қўтаргич кранлар ва ип йигирадиган машиналар ва бошқа жуда кўп хил машиналар ишлаб чиқармоқда.

Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш соҳасида Ўзбекистон Совет Иттифоқида Россия Федерацияси ва Украинадан кейин учинчи ўринда туради.

1913 йилда Ўзбекистон территориясида бир тонна ҳам кўмир чиқаримас эди. 1955 йилда Оҳангарон кўмир ҳавзасининг ўзи 2 миллион 600 минг тонна кўмир берди. Илгари Ўзбекистонда ҳаммаси бўлиб 13 минг тонна нефть чиқарилган эди. Ўтган йил эса 1 миллион тоннага яқин нефть чиқарилди.

Электр қуввати ишлаб чиқариш 1200 баравар кўпайди. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда. ҳозирги вақтда бизнинг республикамизда Туркиядагига нисбатан ўн баравар кўп электр қуввати ишлаб чиқаримоқда.

Республикамизда кўпгина енгил саноат ва озиқ-овқат саноати корхоналари барпо қилинди.

Ип-газлама ишлаб чиқариш соҳасида Ўзбекистон Россия Федерациясидан кейин СССРда иккинчи ўринда туради. 1955 йилда республикамизда 212,3 миллион метр ип-газлама ишлаб чиқарилди.

Рангли металлургия. нодир металлар чиқариш тез суръатлар билан ривожланмоқда.

Республикамизни индустриалштириш натижасида Чирчиқ. Оҳангарон. Олмалиқ. Бекобод. Ленинск. Янгийўл сингари янги саноат шаҳарлари вужудга келди.

Республика қишлоқ хўжалигида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди.

Суғориладиган экин майдонлари 1913 йилдагига нисбатан 800 минг гектар кенгайди. Қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги айниқса ортди. Мамлакатни индустриалштириш қишлоқ хўжалигини тракторлар, машиналар билан таъминлашга. қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги бир қанча муҳим ишларни машиналаштиришга имкон берди. Ўзбекистонда (15 от кучига эйлантириб ҳисоблаганда) 50 мингдан кўп трактор. 20 мингга яқин пахта териш машинаси. 120 минг тирков асбоблари ва механизмлар бор.

Пахта ўзбек халқининг асосий бойлигидир. Пахта етиштириш Совет ҳокимияти йилларида республикамизда ниҳоят даражада кўпайтирилди.

Революциядан олдин 1913 йилда пахтадан ўша вақтга нисбатан энг кўп ҳосил олинган эди. Ҳозирги Ўзбекистон территориясида 518 минг тонна пахта терилган эди. Ўтган йил республикамиз колхозлари ва совхозлари 2,5 миллион тонна пахта бердилар. Бу йил Ўзбекистон колхозлари ва совхозлари давлатга камида 3 миллион тонна, яъни 1913 йилда Ўзбекистонда олинган пахтага қараганда қарийб 6 баравар кўп пахта топширадилар.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Бразилия. Покистон. Туркия ва Эроннинг ҳаммасини қўшиб ҳисоблаганда ҳам шу пахтакор мамлакатларнинг етиштирадиган пахтасига баравар келадиган миқдорда пахта етиштириб бермоқда.

Бразилия. Франция. Туркия. Эрон. Греция. Испания. Ливан. Хинди-Хитой. Бельгия Конгоси мамлакатларининг ҳаммасига қараганда ҳам биз 1,5 баравар кўп пилла бермоқдамиз.

(Давоми иккинчи бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ИНТЕЛЛИГЕНЦИЯСИ СЪЕЗДИ

Ўртоқ Н. А. МУҲИТДИНОВ докладининг давоми

(Боши биринчи бетда)

Янги луб экинлари ҳосилини етиштиришда бизнинг республикамиз жаҳонда Ҳиндистондан кейин иккинчи ўринда туради.

Совет Ўзбекистонининг экономикани ривожлантиришдаги баъзи муваффақиятлари мана шулардан иборат, ўртоқлар.

Республикамизнинг халқ хўжалиги юксала борган сари меҳнаткашларнинг моддий фарровонлиги ҳам тўхтовсиз ошаборди, ўзбек халқининг шаклан миллий, мазмунан социалистик маданияти барқ уриб ривожлана борди.

Революцияга қадар маҳаллий аҳолининг атиги 2 процента саводли эди. Эндиликда республикамизда умумий етти йиллик таълим амалга оширилди, жуда кўп мактаблар, ўнлаб олий ўқув юртлари, минглаб маданий-оқартув муассасалари вужудга келтирилди. Булар маҳаллий халқнинг ўз она тилида ишламоқда.

Ўзбекистоннинг ҳозирги территориясида революцияга қадар бўлган мактабларда атиги 17 300 киши ўқир эди, буларнинг ҳам кўпчилиги амалдорлар, савдогарлар ва бойларнинг болалари эди. Бу йилги ўқиш йилида бизнинг мактабларимизда 1 миллион 300 мингдан кўпроқ бола ўқимоқда.

Революцияга қадар Туркистонда битта ҳам олий ўқув юрти йўқ эди, ҳозирги вақтда эса фақат Ўзбекистоннинг ўзидаги 34 олий ўқув юртида 65 500 киши ўқимоқда, техникумларда ва бошқа ўрта махсус ўқув юртларида 58 мингдан кўпроқ киши ўқимоқда.

Олий таълимни ривожлантиришда Ўзбекистон чет эл Шарқидаги ва Ғарбий Европадаги мамлакатлардан анча ўзиб кетди. Бизнинг республикамизда ҳар 10 минг кишидан 81 киши олий маълумотга эгадир. Демак, олий маълумотлилар бизнинг республикамизда ҳар 10 минг кишига ҳисоблаганда Франциядагига нисбатан икки баравар, Туркиядагига нисбатан 7 баравар ва Эрондагига нисбатан 28 баравар кўп.

Республикамизда илм-фан ғоят ривожланди. Революциягача ўзбеклардан биронта ҳам олим йўқ эди. Ҳозир республикада 6 минга яқин илмий ходим бор. Шулардан 187 киши фанлар доктори ва 2 минг киши фанлар кандидати унвонига эга. Ўзимизнинг фанлар академиямиз бор, ўзга яқин илмий-текшириш муассасаларимиз бор.

1917 йилга қадар ҳозирги Ўзбекистон территориясида ўзбек тилида доимий чиқадиган фақат битта газета бор эди. Ҳозирги вақтда ўзбек ва қорақалпоқ тилларида 162 газета нашр этилмоқда, яъни Покистон, Эрон ва Афғонистоннинг ҳаммасини қўшиб ҳисоблаганда ҳам биздаги газеталар шу уч мамлакатникига қараганда анча кўплик қилади.

Врачларнинг сони 65 баравар кўпайди. Ҳар бир минг кишига қанча врач тўғри келишини ҳисобласак, ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ҳар бир минг кишига тўғри келадиган врачларнинг сони Англия, Франция, Япония ва бошқа шулар сингари йирик капиталистик мамлакатлардагига қараганда кўпроқдир.

Революцияга қадар ўзбек халқининг профессионал миллий театри йўқ эди. Октябрь революциясининг ғалабаси туфайлигина ўзбек миллий театрининг шаклланиши учун, ўзбек халқининг санъати ва адабиётини ҳар тарафлама ривожлантириш учун шарт-шароит таъминланди.

Халқ интеллигенцияси кадрларининг катта армияси вужудга келганлиги партиямизнинг, совет тузумининг ғоят катта ғалабасидир.

Ҳозирги вақтда республикада олий ва ўрта маълумотга эга 125 минг мутахассис ишламоқда. Буларнинг кўпчилиги маҳаллий кадрлардир.

Энг муҳими шуки, Совет ҳокимияти йилларида халқнинг турмушида, ақли ва онгида чинакам маданий революция бўлди, партиямиз коммунистик идеалларга содиқ бўлиб хизмат қилиш руҳида тарбиялаб воягa етказган ажойиб кишилар ўсиб етишди. Бу муваффақиятларнинг ҳаммасига социалистик тузум туфайлигина эришилди.

Совет Ўзбекистонининг муваффақиятлари фақат бизга, совет кишиларигагина эмас, шу билан бирга чет давлатлардан бизнинг республикамизни келиб кўраётган кишиларнинг ҳаммасига ҳам яққол кўриниб турибди.

Аргентинанинг маданият арбоби Леон Шухман 1956 йил май ойида делегация составида республикамизни келиб кўрганидан кейин бундай деди:

«Ўзбекистон барқ уриб яшнаб турган боққа ўхшайди...

Қолоқ ўлкани ва эксплуатация қилиниб келган халқни биринчи даражали индустрияга, илмий асосда ривожланган қишлоқ хўжалигига ва ёш миллий маданиятга эга бўлган илғор миллатга айлантирмоқ учун қилинган жуда катта ишларни ўз кўзимиз билан кўрдик.

... Бизнинг Ўзбекистонда кўрган нарсаларимиз социализм Совет Иттифоқида миллий масалани жуда яхши ҳал қилиб, бу жуда катта мамлакатни икки юз миллионлик яхлит оилага айлантирганлигини, бу мамлакатда ҳар бир халқ иззат-ҳурматагина эга бўлиб қолмасдан, шу билан бирга ўз санъатини, ўз тилини, ўз миллий традицияларини ривожлантириш имкониятларига ҳам эга эканлигини ва планларни ошириб бажариш ишида қардошларча ёрдам олиб турганлигини кўрсатувчи жонли мисолдир».

Ўзбекистон республикасининг чет мамлакатлар билан маданий алоқалари йилдан-йилга кенгаймоқда ва мустаҳкамланмоқда. Бу эса халқаро муносабатларни ривожлантиришда ва тинчлик ишини мустаҳкамлашда иттифоқчи республикаларнинг роли ошиб бораётганлигини кўрсатади.

Кейинги бир ярим йилнинг ўзидагина СССРга меҳмон бўлиб келган турли чет эл делегацияларининг минглаб аъзолари, шу жумладан Хитой, Ҳиндистон, Сурия, Индонезия, Норвегия, Голландия, Германия Демократик Республикаси, Чехословакия, АҚШ, Англия, Уругвай, Аргентина, Миср ва бошқа мамлакатларнинг вакиллари Ўзбекистонда бўлдилар.

Ўзбекистон ССРга Швеция, Эрон, Дания, Германия Демократик Республикаси, Покистон, Корея Халқ Демократик Республикаси, Норвегия парламент делегациялари, шунингдек Жавоҳарлал Неру, Сукарно, У Ну, Сарвапалли Радхакришнан сингари отоқли давлат арбоблари келиб кетдилар. Эрон Шоҳаншоҳи Муҳаммад Ризо Паҳлавий ҳам Ўзбекистонда бўлди.

Ўзбекистон мутахассислари, олимлари ва ҳукумат аъзоларидан бўлган кўп кишилар ҳам халқаро съездларда ва конференцияларда қатнашдилар ва турли делегациялар составида чет эллардан 30 мамлакатни: АҚШ, Англия, Франция, Италия, Германия, Хитой, Ҳиндистон, Миср, Бирма, Афғонистон ҳамда ғарб ва шарқнинг бошқа давлатларини бориб кўрдилар.

* * *

Кейинги йилларда Партия ва Ҳукумат иттифоқчи республикаларнинг тағин ҳам гуллаб-яшнашини таъминлайдиган бир қанча муҳим тадбирларни амалга оширдилар. Давлат қурилишида, халқ хўжалигида ва маданиятга раҳбарлик қилишда иттифоқчи республикаларнинг ҳуқуқлари тағин ҳам кўпроқ кенгайтирилди.

Бир қанча республикаларда янги министрликлар тузилди. 11 мингдан кўпроқ саноат ва транспорт корхоналари иттифоқ қарамоғидан олиниб, республика қарамоғига топширилди. Ҳаммаси бўлиб, йилига 1 миллиард сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқараётган ўнлаб саноат корхоналари Ўзбекистон ССР қарамоғига берилди.

Бу тадбирларнинг ҳаммаси миллий республикаларни янада мустаҳкамлашга ёрдам беради. Жойларда ижодий ташаббускорликни янада ривожлантиришга, мамлакатимиз халқлари дўстлигини янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети иттифоқчи республикаларнинг эҳтиёжларини ва талабларини астойдил эътибор билан ва кун сайин ўрганиб турибдилар. Партия ва Ҳукумат раҳбарлари жойларга тез-тез бориб турадилар, маҳаллий ходимлар билан яқиндан алоқа боғламоқдалар, ишларнинг аҳволи билан танишмоқдалар, камчиликларни тугатмоқ учун амалий чоралар кўрмоқдалар.

Совет республикаларининг хусусиятларини диққат билан ўрганиб бориш миллий сиёсатнинг энг муҳим қоидаларидан биридир. Шу қоидага биноан СССР Олий Совети Миллатлар Советининг барча республикалар вакилларидан иборат Иқтисодий Комиссияси тузилди. Бу янги давлат органининг вазифаси иттифоқчи республикаларни иқтисодий-маданий ривожлантириш масалаларини ишлаб чиқишдан иборат бўлади.

Ўртоқлар! Ўзбек халқи ўзининг ажойиб муваффақиятларига Совет Иттифоқидаги ҳамма халқларнинг ва аввалс улуғ рус халқининг ёрдами туфайли эришди.

Рус халқи ўзининг улуғ ишлари, зийрак ақли, саҳийлик билан тўла кўнгли ва қардошларча муносабатда бўлиши билан мамлакатимиздаги халқларнинг, жаҳондаги демократик кучларнинг иззат-ҳурматига ва қизғин миннатдорчилигига сазовор бўлди. **(Гулдурос қарсаклар).**

Рус халқи Коммунистик партия раҳбардиги остида совет халқлари дўстлигини мустаҳкамлаётган, уларни пролетар интернационализми байроғи остида жипслаштираётган кучдир.

КПСС Марказий Комитети ва Совет Ҳукумати Россия Федерациясининг ишлаб чиқарувчи кучларини янада юксалтириш юзасидан сўнгги вақтларда бир қанча тадбирларни белгиладилар. Эндиликда Россия Федерациясида обрўли давлат ва ҳукумат аппарати вужудга келтирилди, КПСС Марказий Комитетининг РСФСР бўйича Бюроси ташкил этилди, хўжаликнинг бутун-бутун тармоқлари ва кўпгина корхоналари Иттифоқ ихтиёридан олиниб, Россия Федерацияси ихтиёрига берилди. «Советская Россия» газетаси чиқабошлади.

Ўзбекистон Коммунистик партияси ва республиканинг барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети ва Иттифоқ Ҳукуматининг Россия Федерациясига нисбатан амалга ошираётган тадбирларини қизғин табриклайдилар ва маъқуллайдилар. **(Қарсаклар).**

Ўзбек халқи рус халқи билан ва бошқа совет халқларининг ҳаммаси билан ўзининг абадий, бузилмас ва қардошларча дўстлигини Ватанимиз қучнинг ва эришаётган муваффақиятларининг асосий манбаларидан бири деб билиб, бу дўстликни кўз қорачиғидек сақлашни ва бундан буён ҳам ҳар томонлама мустаҳкамлашни ўзининг муқаддас бурчи деб ҳисоблайди.

Олтинчи беш йиллик ва Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантириш перспективалари

Ўртоқлар! Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлиги остида олтинчи беш йилликнинг улуғвор вазифаларини бажариш йўлида фидокорлик билан меҳнат қилмоқда.

Олтинчи беш йилликнинг асосий вазифалари — оғир саноатни устун даражада ривожлантириш, техникани тинмай тараққий эттириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш негизида халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада зўр куч билан ўстиришдан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини кескин равишда юксалтиришдан ва шу асосда совет халқининг моддий фаровонлигини ҳамда маданий савиясини анча оширишдан иборат.

Олтинчи беш йиллик планда умуман СССР халқ хўжалигини юксалтиришнинг умумий вазифаларини ҳар қайси иттифоқчи республиканинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шу республикалар халқ хўжалиги ва маданиятининг конкрет вазифалари билан боғлаб ҳал қилиш кўзда тутилган.

Шу факт жуда катта аҳамиятга эгадирки, КПСС XX съезди мамлакатнинг шарқий районларида экономикани ва ишлаб чиқарувчи кучларни тағин ҳам тез суръатлар билан ривожлантиришни белгилаб берди.

Олтинчи беш йиллик планда Ўзбекистон ССР саноатини ва қишлоқ хўжалигини тўхтовсиз юксалтиришнинг, Ўзбекистон ССР фани ва маданиятини ривожлантиришнинг улуғвор перспективалари акс эттирилган.

Олтинчи беш йилликда республикадаги бутун саноатнинг ялпи маҳсулоти тахминан 1,6 баравар кўпаяди ва 1960 йилда қарийб 33 миллиард сўмни ташкил қилади. Пахтачилик билан боғланган саноат тармоқлари, биринчи навбатда қишлоқ хўжалик ва тўқимачилик машинасозлиги, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, пахта тозалаш ва ёғ саноати янада ривожлантирилади. Тош кўмир чиқариш 1960 йилда 6 миллион тоннага етказилади, нефть чиқариш 1,5 баравар, цемент ишлаб чиқариш 3 баравар кўпайтирилади.

Оҳангаронда жуда катта азот-ўғит заводи қуриш авж олдириб юборилади. Қувасой цемент заводи реконструкция қилиниб бўлади ва Фарғонада нефть маҳсулотлари заводи қурилиб бўлади. Электр қуввати ишлаб чиқариш тахминан 1,6 баравар кўпайтирилади. Ўрта Осиёда ёқилғи кучи билан ишлайдиган энг катта Оҳангарон электр станциясининг биринчи навбати келгуси йилдаёқ ишга туширилади. Бу электрстанция бир кеча-кундузда Туркистон ўлкасидаги ҳамма электрстанцияларнинг бутун 1913 йилда ишлаб чиқарган электр қувватига қараганда 5-6 баравар кўп электр қуввати ишлаб чиқарадиган бўлади. Қайроққум гидроэлектростанцияси тез кунда нур бера бошлайди. Ўзбек ва тожик халқлари бу гидроэлектростанцияга «Халқлар дўстлиги» электрстанцияси деб ном бердилар.

Норин, Чирчиқ дарёларида. Мирзачўлда гидроэлектростанциялар қуриш проекти тузилмоқда ва қурилмоқда. Капитал қурилиш ишлари кенг миқёсда авж олдириб юборилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги, айниқса унинг етакчи тармоғи бўлган пахтачилик тез суръатлар билан ривожлантирилади. Пахта етиштириш бир ярим баравар кўпайтирилади. Пахтанинг ялпи ҳосили 1960 йилда уч миллион етти юз минг тоннага етказилади. Бошқача сўз билан айтганда, пахтанинг ялпи ҳосили бешинчи беш йилликда 257 минг тонна кўпайтирилган бўлса, олтинчи беш йилликда бир миллион икки юз қирқ минг тонна кўпайтирилади.

Ғўзаларни парвариш қилиш агротехникасини ҳар томонлама яхшилаш, квадрат-уялаб экиш усулини кеч қўлланиш асосида ҳосилдорликни янада ошириш йўли билан шунингдек экин майдонларини кенгайтириш йўли билан пахта етиштириш кескин равишда кўпайтирилади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Мирзачўлни ўзлаштириш тўғрисидаги ҳама пахта етиштириш ва тайёрлашни янада кўпроқ рағбатлантириш тўғрисидаги қарорлари пахтачиликни тағин ҳам кўпроқ юксалтирмоқ учун ғоят катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбек халқи Мирзачўлнинг беполён ерларини ўзлаштиришни асрлардан бери орзу қилиб келган эди. Халқимиз бу тўғрида қўшиқлар ва афсоналар яратган. Лекин Совет ҳокимияти давридагина халқнинг бу орзуси рўёбга чиқди.

Партия ва халқнинг иродаси билан Мизачўл яшнаб турган гулистонга—пахтачиликнинг энг катта баасига айланадиган вақт яқинлашиб қолди. Яқин йиллар ичида Мирзачўл ҳар йили 320-340 минг тонна пахта берадиган бўлади. Мирзачўл ерлари тўла равишда ўзлаштирилганидан кейин, 6 ерлардан йилига 1 миллион-1 миллион 200 минг тонна пахта олинадиган бўлади.

Мирзачўлни ўзлаштириш соҳасида қилинадиган ишларга 4 миллиард 600 миллион сўм сарфланади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг Мирзачўлни ўзлаштириш тўғрисидаги қарорида Ўрта Осиё ерларини суғоришга жуда катта аҳамият берган улуғ Ленининг доно идеялари ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган III пленумида Мирзачўлни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган амалий тадбирлар тўғрисида қарор қабул қилинди. Пленум қатнашчилари Мирзачўлнинг марказида янги шаҳар барпо қилиш, бу шаҳарга Мирзачўли ўзлаштириш тўғрисида 1918 йил май ойидаёқ Декрет имлаган улуғ кишининг — В. И. Ленининг номини бериш ҳақидаги таклифни яқдиллик билан маъқуллладилар. **(Қарсаклар.**

* * *

Олтинчи беш йилликда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам кенг равишда ривожлантирилади. Беш йил мобайнида ғўшт етиштириш 2,4 баравар, сут етиштири 2,3 баравар, жун етиштириш 1,9 баравар, қорақўл терилари етиштириш 1,5 баравар, пилла етиштириш 1,6 баравар кўпайтирилади. Ғалла, шоли, янги луб экинлари ҳосили, тамаки етиштириш ҳам анча кўпайтирилади. Тоғлиқ зоналарда ва тоғ этакларидаги зоналарда ярим майин ва майин жунли қўйчилик ривожлантирилади. Боғдорчилик ва узумчилик тағин ҳам ривожлантирилади. Суғориш шохобчалари ва сув омборлари қуриш, дашт ва ярим дашт яйловларни сув билан таъминлаш соҳасида катта ишлар қилиш мўлжалланади.

Олтинчи беш йилликда Ўзбекистон ССР халқ хўжалигига ҳаммаси бўлиб давлат томонидан берилган 18 миллиард сўмга яқин капитал маблағ сарфланади.

1956-1960 йилларда фақат давлат маблағлари билангина 2 миллион 400 минг квадрат метр уй-жой майдони қуриб битказилади.

82 минг ўринли умумий таълим мактаблари, шу жумладан интернат-мактаблар, 12 минг ўринли болалар боқчалари, 4100 ўринли касалхоналар, 8 минг ўринли болалар яслилари қурилади.

Бундан ташқари колхозларнинг пули билан ҳам жуда кўп мактаблар, касалхоналар ва болалар муассасалари қурилади.

Коммунал ва маданий-маиший қурилиш жуда кенгайтирилади.

Фақат Тошкентнинг ўзидагина меҳнаткашларнинг уй-жой турмуш шароитини яхшилаш ва шаҳарни обод қилиш билан боғлиқ бўлган тадбирларни амалга оширмоқ учун Иттифоқ Ҳукумати 1956-1960 йилларга 812 миллион сўм пул чиқарди.

Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида ва район марказларида ободончилик ҳамда уй-жой қурилиши ишларига сарфланадиган маблағлар уч баравар кўпайтирилади.

Чакана товар оборотининг ҳажми 1956 йил планидаги 15 миллиард сўм ўрнига 1957 йилнинг ўзида 17,5 миллиард сўмга етказилади.

Кўриб турибсизки, олтинчи беш йилликда республика олдида катта халқ хўжалик вазифалари турибди. Бу вазифаларнинг амалга оширилиши Совет Ўзбекистони экономикасини ва маданиятини тағин ҳам кенг миқёсда юксалтиришни таъминлайди.

Бу вазифаларни ҳал қилишда интеллигенциямизнинг роли ғоят катта.

Биз хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма участкаларида интеллигенциямизнинг бундан буён қиладиган ишларига доир амалий масалаларни муҳокама қилмоқ учун, таҳлилларимиз нуқтаи назаридан ўзимизнинг бутун ишимизни анализ қилиб чиқмоқ учун бу съездга тўпландик.

Бизда ҳал этилмаган масалалар ҳали кўп.

Республика саноати техника билан яхши таъминланган, лекин бир қанча тармоқлардаги ускуналар эскириб қолган. Ҳатто машинасозлик саноатида ускуналарнинг анчагина қисми бундан 15 йил илгари чиқарилган ускуналардир. Қўл меҳнатининг салмоғи ҳали ҳам жуда катта. Саноатда, транспортда, қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириб ва мавжуд резервлардан тўла фойдаланмоқ учун кам иш қилинмоқда. Илғор саноат корхоналари билан бир қаторда давлат топшириқларини уддалай олмаётган ва техника-иқтисодий кўрсаткичлари паст бўлган корхоналар ҳам бор. Серҳосил колхозлар ва совхозлар билан бир қаторда қолоқ колхозлар ва совхозлар ҳам бор. Капитал қурилиш, айниқса уй-жой, коммунал, мактаб ва сув хўжалик қурилишлари қолоқ участка бўлиб қолди. Савдо-сотиқни ташкил қилиш ва маҳаллий ҳамда кооператив саноати корхоналарида биринчи даражада зарур бўлган буюмларни ишлаб чиқаришда жиддий камчиликлар бор.

Бу камчиликларни тез тугатмоқ учун техника интеллигенциясининг ижодий фаолиятини активлаштириш, республика саноатига ва қишлоқ хўжалигига қилаётган раҳбарлигимизнинг савиясини ошириш керак.

Ҳар бир совет мутахассиси қайси участкада ишламасин, унинг бутун куч ва ғайрати янгиликни қидириб топишга, камчиликка, қолоқликка қарши курашга қаратилиши лозим.

Саноат, қурилиш ва транспорт соҳаларида, фан, техниканинг энг янги муваффақиятларини ҳамда илғорларнинг тажрибаларини қунт билан ва планли равишда жорий қилиш, ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш, ускуналарни модернизация қилиш, шу асосда техникани тараққий эттиришга, меҳнат унумдорлигини тез оширишга, маҳсулот сифатини яхшилаб, унинг таннархини пасайтиришга эришиш керак.

Қурилиш индустрияси янада ривожлантирилиши, қурилиш муддатлари анча камайтирилиши ва унинг қиймати пасайтирилиши, қурилишнинг сифати яхшиланиши лозим.

Меҳнаткашлар архитекторлардан, проектчилардан ва бинокорлардан фойдаланиш қулай бўлган, юксак даражада тежамли бўлган ва индустриал методлар билан қурган ҳолда чиройли, кўркам ва ташқи кўринишни кўзни қуворитирадиган бинолар ва иншоотлар яратиб беришни талаб қилмоқдалар.

Конструкторлар олимлар билан ҳамкорликда ишлаб қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялаштирадиган машиналар: такомиллашган чигит сеялкалари, ғўзани чеканка қиладиган машиналар, ўғит тайёрлаб берадиган ва ўғит соладиган машиналар, пахта ва кўракни териб берадиган тежамли ва иши унумли машиналар, далаларни текислаб берадиган ва ариқларни яхшилаб қазиб берадиган машиналар яратишлари лозим.

Республикада Мирзачўлдаги ерларни суғориш ва ўзлаштириш соҳасида катта ишларни қилишга киришилди. Миқёси ғоят кенг бўлган бу янги ирригация қурилиши суғориш техникасида бурилиш ясайдиган иш бўлади. Ирригация фани ва техникасининг ҳамма янги муваффақиятлари мана шу қурилишда ишлатилади ва синовдан ўтади. Мирзачўл ерларини ўзлаштириш ишлари комплекс равишда машиналаштирилади.

Суғориш, сувчилик иши суғорилалиган деҳқончилик асосларининг асосидир. Сув хўжалиги қурилишида энг кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаш соҳасида катта ишлар қилинди. Сув хўжалиги ишларини механизациялаш 1940 йилда бутун иш ҳажмининг фақат 12 процентини ташкил қилган бўлса, ҳозирги вақтда 74 процентдан кўпроғини ташкил қилади, лекин суғориш каналлари ва суғориш усуллари техника жиҳатидан анча такомиллаштиришни, суғоришнинг ўзи эса янада ривожлантиришни талаб қилади.

Норин ва Сирдарё сингари дарёларни, хисобламаганда, Сурхондарё, Қашқадарё, Зарафшон, Чирчиқ, Оҳангарон сингари дарёларда, Фарғона водийсидаги дарёларда ҳозирнинг ўзидаёқ суғоришни янада ривожлантирмоқ учун сув етишмай қолмоқда. Оҳангаронда, Сирдарёда, Зарафшонда, Қашқадарёда ва Сурхондарёда қурилаётган сув омборлари ёрдами билан сув ресурсларини яна бир мунча вақтгача кўпайтириш мумкин. Лекин нарироқ бориб бу ҳам кифоя қилмай қолади. Суғориш системаларини техника жиҳатдан реконструкциялаштириш, бутун суғориш ишларини ташкил этишни яхшилаш, суғоришни механизациялаш ишларига киришмоқ керак.

Бу вазифаларни амалга оширишда қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида ишлаётган мутахассислар, ирригаторлар, гидрологлар, тупроқшунослар, геологлар ва шу қабилар жуда катта роль ўйнайди.

Амударёнинг жуда катта ресурсларидан фойдаланиш вазифаси навбатда турибди. Маълумки, ҳозирча Амударё сувларидан 20 процентга етар-етмас, Сирдарё, Чирчиқ ва бошқа дарёларнинг сувларидан эса 80-90 процент фойдаланилмоқда.

Келиф гидротехника узелини қуриш юзасидан тайёргарлиқ ҳамда қидириш ишларини олиб бориш ҳақида қарор қабул қилинди.

Республика олдида келажакда ҳал қилинадиган энг муҳим масалалар мана шулардир. Бу масалаларни муваффақиятли ҳал қилмоқ учун бизда ҳамма имкониятлар бор. Лекин имкониятларни рўёбга чиқармоқ учун партия, совет, хўжалик ташкилотлари ва барча жамоат ташкилотлари пухта ўйлаб, қунт билан, сабот билан ташкилотчилик ишларини олиб боришлари лозим. Бутун халқимиз эўр бериб катта меҳнат қилиши, илмий ва маданий муассасаларнинг фаолиятини ҳар томонлама яхшилаш, кадрлар тайёрлаш ишини яхшилаш, бутун идеология ишининг савиясини ошириш лозим.

Фанни янада ривожлантириш ва кадрлар тайёрлаш масалалари

Ўртоқлар! Республикадаги илм-фаннинг аҳволига ва уни янада ривожлантиришга доир баъзи масалаларга тўхталиб ўтишга ижозат берингиз. Бизнинг олимларимиз илм-фаннинг ҳамма соҳаларида бир қанча жуда катта тадқиқотлар яратиб бердилар. Кейинги йилларда Фанлар академияси 60 дан ортиқ илмий кашфиётни халқ хўжалигига топширди.

Геолог-олимларимиз Ўзбекистоннинг табиий бойликларини ва ерости бойликларини ўрганиш соҳасида фанга катта ҳисса қўшдилар. Химикларимизнинг ҳам бир қанча муваффақиятлари бор. Бутун дунёда 700 та яқин алколоид борлиги маълум, шу жумладан академик Собир Юнусов раҳбарлигидаги лаборатория томонидан 60 алколоид кашф қилинди. Медицина саноатида ғоят муҳим препарат бўлган дельсемин препаратини ҳосил қилиш методи Совет Иттифоқи фармацевтика саноатида муваффақиятли жорий қилинмоқда. Селитранинг янги турини тайёрлаш методи ишлаб чиқилди. Бу метод мамлакатнинг кўпгина химия корхоналарида жорий қилинмоқда. Ғўза барглариданлимон ва олма кислоталари ҳосил қилиш мураккаб азот-фосфор ўғитлар ҳамда аммонийлаштирилган суперфосфат ишлаб чиқариш методларининг технологияси ишлаб чиқилди ва ишлаб чиқаришга жорий қилинмоқда.

Физика-математика фанлари соҳасида профессор В. И. Романовскийнинг эҳтимоллик назарияси ва математика-статистика масалаларига бағишланган, нашр этиш учун тайёрланаётган асарларини, Т. А. Саримсоқов ва С. Х. Сирожиддиновнинг Марков занжирлари назариясига доир монографияларини кўрсатиб ўтиш мумкин. С. П. Алтуниннинг «Дарёларнинг сувидан суғориш учун фойдаланишни тартибга солиш» деган асари, В. М. Шульцнинг Ўрта Осиё сув ресурслари тўғрисидаги монографиялари сув хўжалиги ва гидроэнергетика масалаларида катта аҳамиятга эгадир.

Бизнинг медик олимларимиз трахома, ришта, тоун, вабо, чечак сингари илгари кўп тарқалган касалликларни тугатишга ёрдам бердилар. Безгак касаллигини тарқатувчи манбаъларни тугатилмоқда.

Республикада жуда кўп олимлар ўсиб етишди. Булар орасида ҳаммага маълум бўлган фан докторлари ва профессорлар — Х. М. Абдуллаев, Т. Н. Қори Ниёзов, Т. А. Саримсоқов, С. Ю. Юнусов, М. Й. Йўлдошев, И. М. Мўминов, Х. С. Сулаймонова, В. Й. Зоҳидов, И. А. Райкова, О. С. Содиқов, З. И. Умидова, О. Н. Павлова, Х. Ф. Фозилов, С. М. Рижов, У. Орифов, М. Н. Набиев, С. Азимов ва бошқа кўпгина олимлар бор.

Тошкентда ядро физикаси институти ташкил этилганлиги республикада фанни янада яшнатиш йўлидаги муҳим босқичдир.

Бу институт ана шу соҳада мамлакатимизда ва чет элларда тўпланган тажрибалар асосида қурилмоқда. Бу институт катта илмий марказ бўлади. Институтда Ўзбекистон олимлари билан бир қаторда бошқа қардош республикаларнинг олимлари ҳам ишлайди. Ядро физикаси институти Шарқдаги энг катта илмий тадқиқот муассасаларининг бири бўлади.

Республика учун ғоят муҳим бўлган ва олимларимиз ўзларининг бутун кучларини сарфлаб ҳал қилишлари лозим бўлган бир қанча энг муҳим масалаларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Олимлар Ўзбекистоннинг айрим областлари ва иқтисодий районларида ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришнинг комплекс планларини ишлаб чиқиш учун республиканинг табиий бойликларини янада чуқурроқ ўрганишлари лозим.

Республикада қора ва рангли металлургияни янада ривожлантирмоқ учун янги хомашё ресурсларини, янги нефть, кўмир ва газ конларини қидириб топиш зарур.

Химия соҳасида нефть ва табиий газлардан ҳамда кўмирдан синтетик спирт, сунъий тола, эритувчи моддалар, баъзи материалларнинг ўрнини босадиган юқори сифатли хомашёлар ҳосил қилишнинг янги технологиясини излаб топиш соҳасида ишлаётган олимлар олдида катта вазифалар турибди.

Сунъий ипак, пойафзал, галантерия сингари кенг истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни ривожлантирмоқ учун хомашё ресурсларидан етарли фойдаланилмаётир. Электроизоляция материаллари ва пластмасслар ишлаб чиқариш бутунлай ташкил қилинмаган.

Биз энергетика ресурсларидан фойдаланишни яхшилашимиз, Оҳангарон кўмирини ер остида газга айлантириш ва табиий газдан фойдаланиш негизида саноатнинг янги химия-энергетика тармоғини барпо қилишимиз, рудалардан металларни мумкин қадар кўпроқ ажратиб олишни таъминлашимиз, ишлаб чиқариш процесларини ва гидроэнергетика системаларини бошқаришни автоматлаштиришимиз ва телемеханизациялаштиришимиз лозим.

Ўзбекистон Фанлар академияси энг муҳим илмий тадқиқот проблемаларини комплекс равишда ишлаб чиқишни қониқарсиз ташкил қилмоқда. Ҳатто асосий вазифа бўлган пахтачилик масалалари ҳам тузук ишлаб чиқилмаётир. Пахтачиликнинг илмий асосларига доир масалалар, қишлоқ хўжалик экинларининг ва чорва молларнинг генетикасига ва селекциясига доир масалалар етарли равишда ўрганилмаётир.

Республика олимлари суғориладиган деҳқончиликнинг сув режимини, тупроқнинг унумдорлигини ошириш, тупроқнинг шўрланишига ва ботқоқланишига қарши курашиш, ерости сувларидан суғориш ва маиший эҳтиёжлар учун фойдаланиш масалалари билан жуда кам шуғулланмоқдалар.

Ўзбекистон ерости сувларидан фойдаланишда Озарбайжон ССРдан кейинда қолмоқда.

Баъзи чет мамлакатларнинг тажрибалари диққатга сазовордир. Масалан, Ҳиндистонда ерости сувларидан фойдаланиш масалалари билан шуғулланувчи махсус институт тузилган. Америка Қўшма Штатларининг бир қанча штатларида (Калифорния, Аризона, Техас) юксак техника асосида ерости сувларидан экинларни суғориш методлари кенг қўлланилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати ерости сувларидан экинларни суғориш, маиший эҳтиёжлар ва яйловларни сув билан таъминлаш учун фойдаланиш тўғрисида яқинда кенгайтирилган қарор қабул қилдилар. Бу қарорни тез ва қунт билан амалга ошириш зарур.

Илмий ходимларимиз ғўза агротехникаси соҳасидаги тадқиқотларни кенгайтиришлари ва кучайтиришлари, Ўзбекистон районларининг тупроқ-иқлим шароитларига ва иқтисодий шароитларига мосланган деҳқончилик системасини ишлаб чиқишлари лозим. Бу ишда пахтанинг тезпишар, серҳосил, касалликларга бардош берадиган, пахтаси машина билан териб олишга мосланган янги сортларини етиштиришга кўпроқ эътибор бериш керак.

Илмий тадқиқотларни пухталик билан бир-бирига боғлаб олиб бориш, айрим илмий муассасаларнинг ишларидаги параллелизмни тугатиш масаласини ҳал қилиш пайти келди. Масалан, ғўзанинг илмий асослари ва агротехникаси проблемаси бир неча илмий муассасада (Фанлар академияси, СоюзНИХИ ва бошқа муассасаларда) ўрганилаётганлигини ва уларнинг илмий иш планлари бир-бири билан мувофиқлаштирилмаганлигини нормал бир ҳол деб бўлмайди.

(Давоми учинчи бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ИНТЕЛЛИГЕНЦИЯСИ СЪЕЗДИ

Ўртоқ Н. А. МУҲИТДИНОВ докладининг давоми

(Боши иккинчи бетда)

Раҳбарликни яхшилаш ва илмий кучларнинг эътиборини қишлоқ хўжалигига жалб қилиш мақсадида Тошкентда Ўзбекистон қишлоқ хўжалик академиясини тузиш, бизнинг фикримизча, мақсадга мувофиқ иш бўлур эди. Шундай қилганимизда Фанлар академияси аниқ ва гуманитар фанлар соҳасида илмий марказ бўлиб қолур эди. Қишлоқ хўжалик академияси эса қишлоқ хўжалик фанлари соҳасида илмий марказ бўлур эди.

Фаннинг турли тармоқларини ривожлантиришнинг 10-15 йилга мўлжалланган перспектив планини яқин фурсатда ишлаб чиқишимиз ва шунга қараб илмий ва техник кадрларни тайёрлаш планини ишлаб чиқишимиз лозим.

Бундай планларнинг йўқлиги фаннинг баъзи муҳим тармоқларини ривожлантиришга ҳамда айрим ихтисослар бўйича малакали кадрлар тайёрлашга ёмон таъсир қилди.

Пахтачилик, ирригация, қурилиш ишлари, гидроэнергетика ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги соҳаларида, яъни республикамизда халқ хўжалигининг етакчи тармоқлари бўйича бизда фан докторлари ва кандидатлари бошқа соҳаларга қараганда жуда кам. Бу нормал бўлмаган бир ҳолдир.

Ниҳоят, бир қанча илмий муассасаларнинг профилини ва структурасини қайтадан кўриб чиқиш, уларни хомашё ресурсларига, ишлаб чиқаришга яқинлаштириш керак.

Ўртоқлар! Иқтисодий билимларни билмасдан туриб, айниқса конкрет экономиканы билмасдан туриб, иқтисод фанини янада ривожлантирмасдан туриб халқ хўжалигининг турли тармоқларига малакали раҳбарлик қилиб бўлмайди ва бу тармоқларни ривожлантириб бўлмайди.

Фанлар академиясининг экономика институти, СоюзНИХИнинг қишлоқ хўжалик экономикаси бўлими, Тошкент муҳандислик-иқтисод институти, Қишлоқ хўжалик министрлигининг фанлар бошқармаси ва бошқалар, афсуски, шу вақтгача қишлоқ хўжалик экономикасига доир жиддий илмий маҳсулот берганлари йўқ. Саноатда ва қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш, областлар, районлар, колхозлар, МТСлар ва совхозлар экономикаси масалаларига доир илмий адабиёт бизда жуда кам. Кўпгина колхозлар ва совхозларнинг хўжалик ишлари яхши олиб борилмаётир: меҳнат кунлари талон-торож қилинмоқда, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи ошиб кетган.

Сув хўжалиги қурилишининг иқтисодий жиҳатдан самаралари етарли ўрганилмаётир. Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг перспектив планларини тузишда биз фойдалана оладиган жиддий иқтисодий тадқиқотлар бор деб ҳам мақтана олмаймиз. Саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, савдо илғорларининг тажрибалари жуда кам ўрганилмоқда ва умумлаштирилмоқда.

Вазифа — илмий-иқтисодий муассасаларнинг ва олимларнинг ишларини активлаштириш, уларнинг бутун эътиборини колхозлар, совхозлар, МТСларнинг ишлаб чиқариш тармоқларининг турли соҳаларини, айрим иқтисодий районларнинг конкрет экономикаси масалаларини янада чуқурроқ ва кенгроқ ишлаб чиқишга қаратишдан иборат. Кадрларни, интеллигенцияни, кенг меҳнаткашлар оммасини иқтисодий билимлар билан қуроллантирадиган адабиёт керак.

* * *

Ўртоқлар! Ўрта Осиёнинг, шу жумладан Ўзбекистоннинг жуда бой тарихи бор.

Бу тарихни ўрганишда ва марксча-ленинча ишлаб чиқишда тарихчилар катта роль ўйнашлари керак.

Фанлар академияси қадим замонлардан тортиб то Октябрь революциясига қадар бўлган воқеаларни ўз ичига олган «Ўзбекистон халқлари тарихи»ни, Шарқ қўл ёзмаларининг уч томдан иборат рўйхатини, Абу-Али ибн-Синонинг «Алқонун» китобидан икки қисмини ва бошқа бир қанча асарларни нашр қилди. Профессор С. П. Толстовнинг «Қадимий Хоразм цивилизацияси излари бўйлаб» деган асари ва профессор Т. Н. Қори Ниёзовнинг «Совет Ўзбекистони маданияти тарихининг очерклари» деган китоби катта аҳамиятга эгадир.

Ўрта Осиё территориясида қадимий асрларда ва ўрта асрлардаги халқ ҳаракати масалаларига доир баъзи асарлар нашр этилди.

Лекин бизда ўзбек халқининг, Ўрта Осиёдаги бошқа халқларнинг кўп асрли тарихини марксизм-ленинизм позицияларида туриб тўлиқ ёритиб берган, Шарқ тараққиётида уларнинг ўрнини ва ролини тўғри белгилаб берган мукаммал асарлар ҳали ҳам яратилгани йўқ.

Ўрта Осиё халқлари демократик ва миллий-озодлик ҳаракатига доир масалаларни, Ўрта Осиёда Совет ҳокимиятини барпо қилиш ва мустаҳкамлаш, ўзбек халқининг мамлакатимиз бошқа халқлари билан дўстлиги тугилиши ва ривожланишини, ўзбек социалистик миллатининг ташкил топиши ва ривожланишини янада чуқурроқ, марксча-ленинча ишлаб чиқиш талаб қилинади.

Ўзбекистон Компартиясининг биринчи манба материалларига асосланган тарихи шу вақтгача яратилгани йўқ.

Ўзбекистон Компартияси тарихи институти ўзининг ўн йиллик иш даврида қатто Ўзбекистон Компартияси тарихига доир очерклар ҳам яратиб бера олмади. Институт томонидан тайёрланган ва 1905-1917 йиллар даврини ўз ичига олган очерклар макети илмий талабларга жавоб бермайди. Бу очеркларда партия ташкилотлари ва группаларининг фаолияти, шунингдек, халқ оммасининг революцион кураши чуқур ёритилмаган.

Институт томонидан нашр этилган «Туркистонда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси» деган ҳужжатлар тўпламида ва «Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон Комиссияси ҳамда РКП(б) Марказий Комитетининг Туркистон бюроси Туркистонда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун курашда» деган китобда материалларни танлашда катта камчиликлар бор. Бу китоб Туркистондаги мураккаб социал-иқтисодий вазиятни тўла очиб бермайди, партия ташкилотлари ва меҳнаткашлар оммасининг Совет ҳокимияти учун курашдаги иштирокини тузук кўрсатмайди.

Ўзбекистондаги революцион ҳаракатнинг отоқли арбоблари тўғрисида оммабоп китоблар ва брошюралар ҳам бизда нашр қилингани йўқ.

Институт кейинги йилларда марксизм-ленинизм классикларининг асарларини ўзбек тилига таржима қилишда анча ишлар қилди. В. И. Ленин Асарларининг 35 томини, «КПСС съездлар, конференциялар ва Марказий Комитет пленумларининг резолюциялари ва қарорларида» деган уч томлик тўпламни, Карл Маркс «Капитал»ининг биринчи томини ва бошқа асарларни ўзбек тилига таржима қилди.

Марксизм-ленинизм классикларининг асарларини ва партиянинг муҳим ҳужжатларини ўзбек тилига таржима қилиб нашр этиш республика ҳаётида, интеллигенция кадрларини ва барча меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашда катта роль ўйнади. Бироқ, шуни кўрсатиб ўтиш керакки, таржималарда аниқсизликлар, фикрни бузиб беришлар, терминология, таърифлар, формулировкалар соҳасида хилма-хиллик кўп.

Тарихнинг бир қанча масалаларини ёритишда, масалан, Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши масаласини ёритишда ҳали ҳам кўпгина чалкашликлар бор.

Бу масалани тўлиқ тушуниб олмоқ учун олимлар Ўрта Осиё билан Россия ўртасида тарихан вужудга келган алоқаларни чуқур ўрганишлари лозим. Фактлар эса бу алоқаларнинг жуда қадим замонлардан бери давом этиб келаётганлигини кўрсатади.

18.12.1956 г. Сосо

Маълумки, X асрдаёқ Киев Руси билан Хоразм давлати ўртасида ҳамкорлик бўлиб келган. Хоразм давлатининг халқи эса Ўзбекларнинг аждодларидан биридир. Бундан минг йилча муқаддам — 987 йилда Киев князи Владимир Хоразмга ўзининг биринчи элчиларини юборади. XI-XIII асрларда Хоразм билан Киев Руси ўртасида мустаҳкам савдо-сотиқ алоқалари бўлиб келган.

Фирдавсийнинг ажойиб «Шоҳнома» асарида ҳамда ўрта асрнинг бошқа кўпгина тарихий манбаларида Ўрта Осиё билан Россия халқлари ўртасидаги алоқаларни кўрсатувчи материаллар бор.

Кўриб турибсизки, Ўрта Осиёдаги ўзбек халкининг ва бошқа халқларнинг Россия билан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалари минг йиллик тарихга эга. XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олиниши ўзбек халқининг ва Ўрта Осиёдаги бошқа халқларнинг тарихида ва тақдирида бурилиш нуқтаси бўлди ва бу ҳол чуқур прогрессив аҳамиятга эгадир.

Иқтисодий ва маданий характердаги бошқа факторлар билан бир қаторда Ўрта Осиё халқларининг Россия ишчилар синфи билан алоқалари Ўрта Осиёни Россияга қўшиб олинишининг прогрессив аҳамиятга эга эканлигини кўрсатувчи муҳим фактордир.

Ўрта Осиё халқлари Россия ишчилар синфининг социал ва миллий зулмни тугатишга манфаатдор бўлган, умумий душман—чоризмга, рус капитализмига ва маҳаллий эксплуататорларга қарши курашда йўлбошчи ва иттифоқчи бўлган куч эканлигини кўрдилар.

Марксизм-ленинизмнинг улуғ идеялари Ўрта Осиё меҳнаткашлари оммаси орасига Россия революцион пролетариатининг вакиллари орқали кириб келди.

Чоризм даврида Ўрта Осиёда бўлган баъзи қўзғолонларнинг характери ва моҳияти масаласини, жумладан 1916 йил қўзғолонининг характери ва моҳияти масаласини олиб кўрайлик. Бу масалада ҳам шу воқеаларга баҳо беришда тарихчилар ўртасида кўпгина тафовутлар бор. 1916 йил қўзғолонининг тарихига доир ҳужжатлар ва материаллар шу вақтгача нашр қилингани йўқ, архив ҳужжатлари бир бутун қилиб тўпланган йўқ.

Умуман кейинги йилларда Багировнинг «Муридизм ва Шомил ҳаракатининг характери тўғрисидаги масалага доир» илмга хилоф, антимарксистик брошюрасининг таъсири остида баъзи бир тарихчилар Ўрта Осиё халқларининг ҳамма миллий озодлик ҳаракатларини реакцион ҳаракат деб эълон қила бошладилар.

Бу ҳаракатни реакцион ҳаракат деб исбот қилиш учун, бу ҳаракатларнинг раҳбарлари халқни муқаддас урушга—«газоватга» чақирган эдилар, деган гапларни далил келтирадилар. Феодал ва мустамлака зулми даврида, Россияда қудратли революцион ҳаракат тез ўсиб бораётган бир шароитда, коммунистлар етакчилигидаги рус ишчилар синфидан иборат иттифоқдош ва раҳбарга эга бўлган Ўрта Осиё меҳнаткашлари негадир ҳаракатсиз жим ётдилар деб айтиш жуда ҳам галати бир гап.

Ўрта Осиё халқлари миллий-озодлик ҳаракатидан четда эдилар, улар бу ҳаракатда иштирок қилган тақдирда ҳам, фақат реакцион руҳонийлар раҳбарлигидаги стихияли куч сифатида иштирок қилдилар деган фикр ҳам хато фикрдир. Шубҳасизки, руҳонийларнинг таъсири жуда катта эди, ҳолбуки ўзбек халқи ўз орасидан жуда кўп прогрессив, айниқса революцион тарзда фикр қилувчи актив арбобларни ҳам етиштириб чиқарган эди. Ўша йилларда камбағал деҳқонлар, чорақорлар, ҳунармандлар ва маҳаллий миллат ишчиларидан бўлган кўпгина кишилар етук синфий онгга эга бўлган илғор арбоблар кетидан борган эдилар. Афсуски, тарихчиларимиз бу процессни жуда зерикарли қилиб ёзадилар.

Олимлар ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш, биргалашиб муҳокама қилишни уюштириш, халқлар ва Ўрта Осиё республика Компартиялари тарихи юзасидан мукаммал асарлар яратишда бир-бирларига ёрдам кўрсатиш лозим.

Ўрта Осиё халқлари асрлар давомида бирга яшаб ва курашиб келдилар. Уларнинг асрлардан буён давом қилиб келган ўзаро алоқаси шу қадар мустаҳкамки, уларнинг тарихини бир-биридан ажратиш кўп жиҳатдан жуда қийин.

Октябрь революцияси даврида ва ундан кейин, то миллий давлат бўлиб ажралишгача, Туркистон Коммунистик партияси Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг асосий районларидаги коммунистик ташкилотларни бирлаштирувчи яхлит бир партия эди. Демак, тарихий воқеликнинг ўзи Туркистон, Бухоро ва Хоразм коммунистик партияларининг бир бутун илмий тарихини яратишни талаб қилади. Бу тарихни ишлаб чиқиш Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари Компартияларининг тарихини ўрганишни анча осонлаштиради.

Ўртоқлар! Ўзбек халқи жуда қадимги халқ. Ўзбек халқининг энг яхши фарзандлари бутун жаҳон фан ва маданият хазинасига қиммат баҳо бойликлар қўшган. Ўрта Осиё фан ва маданият арбобларидан Бируний, Абу Али ибн-Сино, Хоразмий, Форобий, Улуғбек ва бошқа шу сингари арбоблар фақат Шарқдагина эмас, шу билан бирга дунёдаги бошқа мамлакатларда ҳам жуда машҳур арбоблардир.

Ўрта Осиё кишилик маданияти тараққиётининг энг қадимги марказларидан биридир. Бунда жуда қадимги давлатлар яшаган, Ўрта Осиёдаги ҳозирги халқлар аждодларининг маданияти Россия, Хитой, Ҳиндистон, Эрон ва бошқа мамлакатларнинг маданияти билан жуда ҳам мустаҳкам алоқада ривожланиб келган бўлиб, ўз замонаси учун юксак маданиятдан иборат эди.

Индонезия республикасининг президенти доктор Сукарно Самарқандда аэродромда сўзлаган нутқида: «Самарқанд Совет Иттифоқидаги энг қадимги шаҳарлардан биридир, Шарқ маданияти шу ердан ривожлана бошлаган» деб айтиб ўтди.

Чет мамлакатлардаги айрим реакцион доиралар, Коммунистик партия, Совет ҳокимияти халқларнинг, жумладан Ўзбекистон халқларининг маданий меросига менсимаслик билан қарайдилар, деган бўлмагур гапларни айтмоқдалар.

Бу гирт ёлғон гап!

Бизнинг партиямиз, Совет ҳокимияти маданий бойликларни сақлашга жуда зўр эътибор бериб келди ва эътибор бермоқда. 1917 йил ноябридаёқ В. И. Ленининг кўрсатмасига мувофиқ музейлар бўйича ва санъат ҳамда қадимги ёдгорликларни сақлаш бўйича Бутун Россия коллегияси ташкил қилинган эди.

Ўрта Осиёда феодализм ва реакцион руҳонийлар ҳукмронлик қилган даврда машҳур олимларнинг асарлари нашр қилинмас эди. Аҳвол бир неча асрлар давомида шундай бўлиб келди. Шу сабабдан ўша даврда халқ ўз тарихини, насл-насабини, номи билан фахрланишга ҳаққи бўлган ўзининг машҳур намояндаларини эсидан чиқара бошлади.

Фақат совет воқилиги шароитидагина ўтмиш замонлардаги илғор мутафаккирларнинг ажойиб асарлари унутиб қўйилган жойидан рўёбга чиқарилиб бутун дунёга намоён қилинди, уларнинг кўпгина асарлари нашр қилинди. Яқин йиллар ичида Абу Али ибн Сино, Бируний, Хоразмий, Улуғбек, Бобир, Фурқат ва бошқалар асарларининг тўла тўпламини босиб чиқариш лозим.

Бизнинг Партия ва Ҳукуматимиз маданий мерос тўғрисида зўр ғамхўрлик қилиб турган бир вақтда, айрим республика ва маҳаллий ходимларнинг қадимги замон ёдгорликларини сақлашга эътиборсизлик билан қараётганликлари йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳолдир. Қува районида жуда катта тарихий қийматга эга бўлган бир шаҳарча ўрнига ғишт заводи солганлар. Самарқандда машҳур Афросиёб шаҳарчаси территориясининг бир қисмини ҳатто кавлаб бузиб юборганлар.

Ҳаммадан илгари, маданият ёдгорликларини сақлаш устидан раҳбарлик қилишни тартибга солиш ва бу иш учун масъулиятни кучайтириш лозим. Ғап шундаки, бу ёдгорликлар республика Министрлар совети ҳузуридаги Архитектура ва қурилиш ишлари комитетининг қарамогидадир. Бу ишларга раҳбарлик қилиш Маданият министрлигига топширилган. Методика ва илмий ишларни эса, Фанлар академияси олиб боради. Реставрация ишлари билан Шаҳар ва қишлоқ қурилиши министрлиги шуғулланади. Ёдгорликларнинг хўжайини маҳаллий ижроия комитетларидир. Натижада шундай бўлганки, маданият ёдгорликларининг аҳволини кимдан сўрашни билмайсан киши. Худди ўзбекларнинг: «қўйчивон кўп бўлса қўй ҳарам ўлади» деган мақолида айтилганидек бўлиб чиқади. (Залда жонланиш).

Маданият ёдгорликларини сақлаш билан боғлиқ бўлган ҳамма ишларга раҳбарликни бир идорага топшириб, бу муҳим иш участкаси учун масъулиятни шу идорадан талаб қилиш лозим бўлиб қолди.

Агар Фанлар академияси, манфаатдор бўлган ташкилотлар билан биргаликда, жуда катта илмий-тарихий қимматга эга бўлган ҳамма қадимги замон ёдгорликларини яхшилаб ўрганиб чиқиб, уларни реставрация қилиш планини тузиб чиқса, тўғри иш қилган бўлар эди.

Ўтмиш замон ёдгорликлари халқ бойлигидир, уларни сақлаш умумхалқ ишидир, шунинг учун ҳам мамлакатимиздаги энг катта олимларнинг «Литературная газета»да маданият ёдгорликларини сақлаш ихтиёрий жамиятлари тузиш тўғрисидаги таклифи эътиборга сазовор таклифдир.

Бизда 30- йилларда энг катта ёдгорликлар ҳақида профессорлардан Массон ва Гуломов, доцент Шишкин ва бошқалар томонидан ёзилган бир қанча брошюра ва оммабоп очерклар чиқарилган эди. Бизнинг фикримизча, ёдгорликларнинг илмий-тарихий аҳамиятини, халқнинг унга эътибор бераётганлигини, чет давлатлардан кўпгина туристлар келиб уларни кўраётганлигини назарда тутиб, ўтмишнинг асосий ёдгорликлари тўғрисида яқин вақтлар ичида бир қанча чиройлик, оммабоп йўлланмалар, справочниклар, қисқача тарихий очерклар ва брошюралар яратиш лозим, шу билан бирга Ўзбекистоннинг муҳтабар жойлари, маъмурий-маданий ва саноат марказлари ҳақида ҳам шундай очерк ва брошюралар ва справочниклар яратиш керак. Булар тарихчилар, археологлар, географлар, архитекторлар ва бошқа шу каби олимларнинг бевосита вазифасидир.

Такрор айтаман, биз ҳаммамиз маданий меросга жуда ҳурмат билан қараймиз, ўзбек халқининг минг йиллик тарихини ва унинг тарихий намояндаларини жуда чуқур ўрганамиз, лекин бизнинг асосий вазифамиз тарихнинг энг муҳим, энг ғуллаган даври бўлган совет даврини ёритишдан ва ўрганишдан иборат.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тарих ва археология институти эса бир неча йиллардан буён Ўзбекистон халқларининг совет даври тарихини тайёрлаб нашр қилиш вазифасини ҳеч уддалай олмасдан келяпти.

Ҳолбуки, юқори малакага эга бўлган кўп тарихчилар асосий ёзолда атиги олти минг қўл ёзманинг қисқача мазмуни босиб чиқарилган, ҳолбуки бу соҳадаги ишлар ўн йилдан кўпроқ вақтдан бери давом этдирилмоқда. Иш шундай суръатда олиб бориладиган бўлса, бизлаги мавжуд қўл ёзмаларнинг мазмунини баён қилиш учунгина камида юз йил вақт керак бўлади.

Шарқшунослик соҳасида нашриёт ишларини ҳам кучайтириш керак. Афсуски, бизда кўп йиллик тайёргарликдан кейин яқиндагина бир журнал — «Совет шарқшунослиги» журнали чиқарила бошлади. Бу журнал ҳам ҳозирги пайтнинг талабларига тўлиқ жавоб бермаётир. Шарқшуносликка доир адабиётни нашр этадиган махсус нашриётни ташкил этишга ҳам эҳтиёж катта.

1957 йилда Тошкентда шарқшуносларнинг Биринчи Бутун иттифоқ конференцияси чақирилади. Бу конференция кадрлар тайёрлаш ишини тубдан яхшилаш учун ва Шарқни илмий асосда ўрганиш билан, зарур манбаъларни нашр этиш билан боғлиқ бўлган проблемаларни ҳал этиш учун зарур тадбирларни ишлаб чиқади, деб ишониш мумкин.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг СССР Фанлар академияси, Иттифоқчи республикаларнинг фанлар академиялари билан илмий алоқасини кучайтириш, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Афғонистон фанлар академиялари ва Осиёнинг бошқа мамлакатларидаги фанлар академиялари билан кенг ва маҳкам алоқа ўрнатиш ҳамда улар билан биргаликда Шарқдаги айрим отоқли мутафаккирларнинг асарларини нашр этишга ва бу мамлакатлар халқларининг тарихи, маданиятини ўрганишга киришмоқ керак.

Совет Иттифоқининг муваффақиятларини ва шу жумладан иттифоқчи республикаларнинг ютуқларини чет элларда пропаганда қилиш соҳасида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Чет эл Шарқи мамлакатларидаги жуда кенг доиралар ана шу муваффақиятларимизни ўрганишга ғоят қизиқмоқдалар. Афсуски, биз чет эл Шарқи халқларини ўз муваффақиятларимиздан жуда кам хабардор қилмоқдамиз. Тошкент радиосининг эшиттиришлари кўпинча хом ва зериктирарлидир; биз Шарқдаги кўп халқларнинг тилларида, масалан, ҳинди, пушту, панжобий, бирма, таиланд тилларида радио орқали ҳеч нарса эшитдираётганимиз йўқ.

Чет тилларда радио эшитдирувчи раҳбарлар чет эллардаги радио эшитувчиларнинг фикрлари ва талабларини яхши ўрганмаётирлар. Шу билан бирга республикамизнинг меҳнаткашлари ҳам Шарқ халқларининг ҳаёти билан етарли даражада таништирилмаётир. Бу нуқсонни тузатиш керак.

Ҳозирги вақтда Миср бутун дунёнинг диққат марказида турибди. Миср халқи зўр гайрат билан курашиб, ўз озодлигига эришди. Миср халқи ўз экономикаси ва миллий давлатини ривожлантирмоқда. Миср Сувайш канали компаниясини национализация қилиб, ҳақиқатан ҳам мардонавор тарихий иш қилди. Империалистик давлатларнинг ҳар қандай кирдикорларига қарамай, Миср ўзининг миллий манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилмоқда, ўзининг қонуний ҳуқуқи ва мустақиллигини сабот билан ҳимоя қилиш намуналарини кўрсатмоқда.

Совет халқи ва барча эрксевар халқлар Миср меҳр-муҳаббат билан қарамоқдалар. (Қарсаклар). Совет халқи, шу жумладан ўзбек халқи ҳам Миср халқининг ўз мамлакатининг тўла суверенитети ва мустақиллигига эришиш соҳасида қилаётган қатъий ҳаракатини қўллаб-қувватламоқда ва талантли ҳамда эрксевар миср халқининг қадимий Мисрнинг экономикаси ва маданиятини юксалтиришда катта муваффақиятларга эришувини чин кўнгилдан тилайди. (Қарсаклар).

* * *

Ўртоқлар! Олий малакали илмий кадрлар тайёрлаш — фанни янада юксалтиришнинг энг зарур шартларидан биридир.

Аммо, республикадаги илмий муассасалар ва олий ўқув юртлари илмий кадрлар тайёрлашда ўзлари учун яратиб берилган имкониятлардан ҳануз яхши фойдаланмаётирлар.

КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети яқинда илмий кадрлар ҳамда педагогика кадрлари тайёрлашни яхшилаш ва уларни аттестация қилиш чоралари тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Илмий ва педагогика кадрларни аспирантура ва докторантура орқали тайёрлашдаги мавжуд тартиб фанни янада ривожлантириш талабларига ва техникани тараққий этдириш вазифаларига мувофиқ эмас эди. Докторантура орқали кадрлар тайёрлаш системаси бекор қилинди.

Илмий ходимларнинг малакасини ошириш ва докторлик диссертацияларини тайёрлаш — илмий муассасалар, олий ўқув юртлари ва саноат ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналарида олиб бориладиган илмий-тадқиқот ишларида актив қатнашиш натижаси бўлмоғи керак.

Ўзи танлаб олган илмий ихтисос профили бўйича камида 2 йил амалий иш тажрибасига эга бўлган кишиларгина аспирантурага қабул қилинадилар.

Бизнинг республикамизда Ўрта Осиё Давлат университети, Политехника институти, Тошкент медицина институти ва қишлоқ хўжалик институтлари докторлик ҳамда кандидатлик диссертацияларини ёқлашга қабул этиш, фан доктори деган илмий даражани олишга тақдим этиш ва фан кандидати деган илмий даражани бериш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Давлат университети, Тошкент тўқимачилик институти, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти, ТИММСХ га, Фанлар академиясининг ишкоотлар институти ва Самарқанд медицина институтига кандидатлик диссертацияларини ёқлаш учун қабул қилиш ва фан кандидати деган илмий даражани бериш ҳуқуқи берилди.

Илмий кадрларни тайёрлашда олимларнинг марксча-ленинча назарияни эгаллашларига, уларни соф виждон ва принципиаллик билан илмий иш олиб бориш руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор бериш зарур.

Бизнинг фанимиз шонли традицияларга, М. В. Ломоносов, Н. И. Лобачевский, И. М. Сеченов, Д. И. Менделеев, И. П. Павлов, К. А. Тимирязев, И. В. Мичурин, Бируний, Улуғбек ва шулар сингари улуғ олимларнинг ҳаёти ва ишларига доир илҳомбахш намуналарга эгадир. Бу олимлар ўз нуқтаи назарларини қаттиқ туриб ҳимоя қила билиш, фанга доир масалаларни далиллик билан ўртага қўйиш, нотўғри деб топилган ҳар қандай назарий хулосани мардонавор ва ошкора рад эта билиш намуналарини кўрсатдилар.

(Давоми тўртинчи бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ИНТЕЛЛИГЕНЦИЯСИ СЪЕЗДИ

Ўртоқ Н. А. МУҲИТДИНОВ докладининг давоми

(Боши учинчи бетда)

Биз, баъзи олимларнинг илмий проблемаларни принципсиз ва нотўғри ҳал қилишлари каби фактларга ҳам дуч келмоқдамиз. Масалан, чигитни тор қаторлаб ва квадрат-уялаб экиш соҳасида халқ тажрибаси ва илғор фан асосида ишлаб чиқилган прогрессив метод Ўзбекистонда кўп вақтлар давомида жорий қилинмади, СоюзНИХИнинг айрим илмий ходимлари бу усулни менсимадилар. Ана шу ходимлар, бу усул қўлланилса, кабинетда ўтириб ёзган диссертацияларимиз хавф остида қолади ва шахсий обрўйимизга путур етади, деб ўйладилар.

Илмий-текшириш муассасаларида йиллар бўйи илмий асар яратмаётган айрим ходимлар ҳам бор. Бундай ходимларга шу нарсани эслатиб ўтишни истайман: эгаллаган лавозимига қараб эмас, балки ҳақиқатан ҳам чин олим бўлмоқ учун фан ҳисобига эмас, балки фан қучоғида яшаш керак. (Қарсаклар).

Бизнинг вазифамиз — фан соҳасида принципсизликка қарши кураш олиб боришдан,илмий проблемаларни эркин муҳокама қилишни, ижодий фикр олишувни таъминлашдан, бутун янгилик, илғорликни актив қўллаб-қувватлашдан ва фанни дадил олга бостаришдан иборат.

Илмий-тадқиқот ишларига примитив, эмпирик муносабатда бўлишни тугатиш зарур.

Ҳозир энг муҳим вазифа назарияни практика билан мустаҳкам боғлашдан, фанни ишлаб чиқаришга яқинлаштиришдан иборат. Лекин бу—назария масалаларини ишлаб чиқишнинг аҳамиятини бирон даражада пастга уриш деган ган эмас. Чуқур назарий тадқиқотлар, айниқса, физика, химия, астрономия, математика каби фанлар соҳаларида чуқур назарий тадқиқотлар ўтказмасдан туриб, техника жиҳатдан реконструкция қилиш соҳасидаги катта вазифаларни ҳал қилиш, фан билан техникани янада ривожлантириш мумкин эмас. Мана шунинг учун назарияни максимал суратда практикага яқинлаштириш билан бирга йирик назарий проблемаларни ишлаб чиқиш зарур.

Кейинги вақтларда Фанлар академиясининг ишларини яхшилаш учун бир қанча чоралар кўрилди. Академиянинг состави гуманитар фанлар, физика ва техника фанлари соҳасида ишловчи етакчи мутахассислар билан мустаҳкамланди. Тўртта янги илмий-текшириш институти: сув хўжалиги институти, ўсимлик ҳомашёси ва пахта химияси институти, ядро физикаси институти ва ҳисоблаб чиқиш маркази ташкил қилинди.

Фанлар академиясига сайлов ўтказилди. Турли ташкилотлар вакант жойларга 132 кишининг номзодини кўрсатдилар. Булар ҳаммаси йирик олимлар бўлиб, ҳар бирининг қилган маълум хизматлари бор. Бу ҳол, бир томондан, республика илмий кадрларининг жуда ўсганлигини кўрсатса, иккинчи томондан, илмий фикрни янада ривожлантириш учун жуда катта имкониятлар борлигини кўрсатади. 9 киши Академиянинг ҳақиқий аъзолари қилиб, 13 киши корреспондент аъзолари қилиб сайланди, булар фақат фан докторлари ва биринчи навбатда, техника фанлари докторларидир.

Интеллигенция съезди номидан Академиянинг янги раҳбарлигига, унинг бутун составига илмий ишда ғоят эўр муваффақиятлар тилашга рухсат этингиз. (Қарсаклар).

Бизнинг ҳамма илмий ходимларимиз Ўзбекистонда фанни республиканинг хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги катта ва масъулиятли вазифалари даражасига кўтариш учун ўзларининг бутун куч ва қобилиятларини ишга солурлар деб ишонч билдирамиз. (Қарсаклар).

* * *

Ўртоқлар! Олтинчи беш йилликда олий ўқув юртларидан бешинчи беш йилликдагига қараганда бир ярим марта кўп мутахассис етиштириб чиқариш, оғир саноат, қурилиш, транспорт ва қишлоқ хўжалиги учун икки марта ортик мутахассис етиштириб чиқариш кўзда тутилади.

Эндиликда мутахассислар тайёрлашни яхшилашга, ўқишни практикага яқинлаштиришга алоҳида эътибор берилади, студентларнинг практика таълимотида лаборатория машғулотларининг роли оширилади.

Лекин олий ўқув юртларининг ишида, айниқса таълим ва тарбия ишларида шу дамгача катта камчиликлар бор.

Фактлар институтларимизни тамомлаб чиқаётган баъзи бир мутахассисларда керагича назарий ва практик билим йўқлигини кўрсатади.

Бир хил профилдаги мутахассислар тайёрлашда турли олий ўқув юртларининг ишларида кераксиз параллелизм борлигини кўриб турибмиз. Бир қанча жуда зарур ихтисосларда ишлайдиган кадрлар ҳали ҳам оз тайёрланмоқда.

Ўзбекистон учун сув хўжалигининг аҳамияти қандай катта эканлиги маълум нарса, лекин сув хўжалиги институтларида ўқийдиган студентларнинг сони йилдан йилга камайиб бормоқда, гидро-энергетик установкалар ва гидротехник иншоотлар соҳасида ишлайдиган мутахассис кадрлар тайёрлаш тўхтатиб қўйилган. Тошкент Молия-иқтисод институтида қишлоқ хўжалиги экономикаси бўлимига студентлар қабул қилиш қисқартирилган ва ҳоказо.

Олий ўқув юртларининг директорлари перспектив планлашдан хабардор бўлиб туришлари ва халқ хўжалигининг эҳтиёжларига мувофиқ зарур малакали кадрлар тайёрлашга таъсир қилиб туришлари лозим.

Олий ўқув юртларига қишлоқ жойлар, айниқса узоқ областлардан ўқувчилар қабул қилишга жуда катта эътибор бериш керак.

Баъзи бир область партия ва совет ташкилотлари (Қашқадарё, Хоразм, Бухоро, Сурхондарё ва бошқа областлар) мурожаат қилиб, бизга ёш мутахассислардан юбориб турилсин, деб талаб қиладилар, лекин уларнинг ўзлари ўз областларидаги мактабларни битириб чиққанларни республикамиздаги, Москва Ленинград ва бошқа шаҳарлардаги олий ўқув юртларига юбориш тўғрисида жуда оз жонкуярлик қиладилар.

Олтинчи беш йилликда 3100 кишидан кўпроқ қишлоқ хўжалиги мутахассислари, 2500 дан кўпроқ инженер кадрлар, 12600 ўқитувчи, 5400 врач талаб қилинади. Агар кўп инженер, техник, агрономларнинг вазифаларида практикагагина эга бўлган кишилар ишлаб турганлигини назар-эътиборга оладиган бўлсак, кадрларга эҳтиёж яна ҳам ошади. Инженер-техник кадрлар тайёрлаш масаласи бизда қандай катта аҳамиятга эга бўлиб бораётганлигни шундан аниқ ва равшан кўриниб турипти.

Шу билан бирга маҳаллий миллат кишиларидан инженер-техник кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор бериш керак. Бу жиҳатдан қилаётган ишларимизни етарли деб бўлмайди.

Иш манфаатлари сиртдан ўқиш системаси орқали мутахассислар тайёрлашни анча кенгайтиришни талаб килади. Ҳозирги вақтда республика институтлари ва университетларининг сиртдан ўқиш бўлимларида 17 мингдан ортик киши ўқимоқда. Сиртдан ўқишга интилиш жуда катта. Сиртдан ўқиб таълим олиш ишларини жиддий суратда яхшиламоқ, бу ишларни кенгайтирмоқ, сиртдан ўқувчилар учун ўқув юртларида ва ишлаб турган жойларида зарур шароитлар яратиб бермоқ керак.

Юқори ва ўрта малакали кадрлар тайёрлаш вазифаси қўйилганлиги муносабати билан мактабларда ижтимоий фанларни ўқитиш тўғрисида бир неча оғиз сўз айтиб ўтиш зарур бўлади.

Шахсга сиғиниш ижтимоий фанларни ўқитишда догматизм ва қироатҳонликнинг анча кенг тарқалишига сабаб бўлди, бу нарса кадрларимизнинг назарий жиҳатдан ўсишига жиддий тўсиқлик қилди. Догматизм ўқувчиларда назарияни чуқур ўрганишга ҳавас тугдирмади, уларнинг марксча-ленинча таълимотни ижодий тарзда қўллана билдиган даражада билиб олишига ҳалақит берди.

Ўқитишда догматизм, қироатҳонлик, абстрактлик ва сийқалаштириш ҳолларини қатъий суратда йўқотиш, студентларни коммунистик руҳда тарбиялашда ижтимоий фанларнинг ролини ошириш зарур.

Ижтимоий фанларни ўқитишда халқ оммасининг тарихни яратувчилик ролини очиб кўрсатиш, социалистик революциянинг ғалабаси учун, мамлакатимизда коммунизм қуриш учун курашда Коммунистик партиянинг ғоят буюк ролини тўла-тўкис кўрсатиб бериш зарур.

* * *

Ўртоқлар! Партия Марказий Комитети ва Совет Иттифоқи Ҳукумати халқ маорифини ривожлантириш тўғрисида эўр ғамхўрлик қилмоқдалар. Бутун мамлакатда умумий ўрта таълимни янада ривожлантириш ишлари изчиллик билан амалга оширилмоқда, политехника таълимига жуда катта эътибор берилмоқда.

Бизнинг мактабларимизда минглаб ажойиб ўқитувчилар ишламоқда, улар ўсиб келаётган ёш бўғинни ўқитиш ва тарбиялашдек олижаноб ишга ўзларининг бутун куч ва ғайратларини сарф қилмоқдалар.

Партия ва Ҳукумат халқ ўқитувчисининг меҳнатига юксак баҳо беради.

Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи деган фахрли унвонга сазовор бўлган Тўхтаназар Шермуҳамедов, Сафо Абдуллаев, М. В. Гришина, М. И. Галцева, М. З. Қосимова ва бошқа шулар сингари кўпгина ўқитувчиларнинг номларини тилга олиш мумкин.

Ёш бўғинни ўқитиш, тарбиялаш ва уларга билим бериш ишида шак-шубҳасиз муваффақиятлар билан бирга кўпгина нуқсонлар ҳам бор.

Кўпгина мактабларни битириб чиқаётган ёшлар амалий ишга тузук тайёрланган эмаслар, зарур меҳнат малакалари олиб, ҳунар эгаси бўлиб чиқмаётирлар, етарли даражада жисмоний ва эстетик тарбия олмаётирлар.

Мактабда ўқиётган қизларни ота-оналар томонидан ўқишдан қолдириб, мажбуран эрга бериш фактлари ҳам бор.

Ўтмишнинг бундай қарқитлари, афсуски, ҳали ҳам давом этиб келмоқда, бундай ҳоллар битта-яримта эмас, ўтмишнинг бу қарқитларини тугатиш учун мутлақо етарли кураш олиб борилмаётир.

Мактабларимизда бошқа салбий ҳодисалар ҳам бор. Дарслардан улгурмаслик, бир синфда икки йил қолиш, ўқиш интизомини бузиш ҳоллари ҳам рўй бермоқда. Ўқувчилар ва умуман ёшлар орасида безорилик ва ахлоқсизлик қилиш ҳоллари ҳам оз эмас.

Бир қанча мактабларнинг ва халқ маорифи органларининг раҳбарлари таълим-тарбия ишларидаги камчиликларга одатланиб қолганлар ва бу камчиликларга кўникиб қолганлар.

Халқ маорифи соҳасида ишловчи кўпгина ходимлар, ҳатто Маориф министрлигининг раҳбар ходимлари ҳам политехника таълимининг фойдали эканлиги тўғрисида умуман гапирадилар-у, аммо уни амалда рўёбга чиқариш учун жуда кам иш қилмоқдалар. Физика, химия, биология, математика, чизмакашлик, география сингари фанлар бир қанча мактабларда «бўр ёрдами» билан ўқитилмоқда. Физика-химия ва биология кабинетлари яхши жиҳозланмаган. Бир қатор мактабларда лаборатория ишлари ўтказилмайди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари ва педагогика жамоатчилиги КПСС XX съездининг мамлакатда интернат-мактабларни ташкил қилиш тўғрисидаги қарорини ғоят маъқуллаб кутиб олдилар. Интернат-мактаблар болаларни ўқитиш, уларга политехника таълими, ахлоқий ва жисмоний тарбия бериш вазифаларини тагин ҳам юксакроқ савияда ҳал қилиши лозим.

Ўзбекистонда умумий таълим мактаблари қуришни кенгайтириш ва бу мактабларнинг ўқув-материал базасини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, олтинчи беш йилликда 35 минг ўқувчи сигадиган 140 та интернат-мактаб қурилади. Бу ўқув йилида 6 та интернат-мактаб очилди.

Бешинчи беш йиллик давомида колхозлар томонидан 600 мактаб қурилди, олтинчи беш йилликда 1000 та типовой мактаб биноси қуриш мўлжалланади.

Партия, совет ва комсомол ташкилотлари, бутун жамоатчилик интернат-мактаблар қуришга ва уларни жиҳозлашга, болаларни ўқитиш ва тарбиялаш савиясини ошириш масалаларига, мактабларнинг ўқув-материал базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалаларига ҳамиша алоҳида эътибор беришлари лозим.

Ишларимизни тарбиялаш ишларини кескин равишда яхшилаш, мактаблан ташкари ташкилотларнинг ишларини жонлатириш, уларнинг ишларини тагин ҳам сермазмун, қизиқарли қилиш, ўқувчиларнинг соғлом ташаббусини ва активлигини ривожлантириш зарур.

Яна бир муҳим масалага, ёшларнинг рус тилини ўрганиши масаласига тўхталиб ўтиш керак.

Рус тили биз ўзбеклар учун иккинчи она тили, маданиятни янада юксалтиришнинг муҳим элементларидан биридир. Рус тилини билиш юксак малакали миллий кадрларнинг вояга етиши ва уларни интернационал тарбиялаш учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Ўзбек халқи рус тилини ўқиш ва ўрганишга астойдил киришмоқда ва жон-тани билан интилмоқда.

Бироқ Ўзбекистоннинг умумий таълим мактабларида рус тилини ўқитиш ишларида жиддий камчиликлар бор.

Кўпгина ўқувчилар рус тилида оғзаки гаплашишни лозим бўлган даражада билмайдилар, рус адабиётидан эркин фойдалана олмайдилар ва ўз фикрларини рус тилида саводли баён қилиб беролмайдилар. Мактабларни битириб чиқаётган ёшлардан кўпининг рус тилини билмаслиги уларнинг ўз билимларини янада такомиллаштиришда, ҳозирги замон техникасини эгаллашда маълум қийинчиликлар туғдиради.

Рус тилини ўқитишни яхшилаш масалаларига бағишланиб, шу йил август ойида Тошкентда ўтказилган республикаларо илмий конференция таклифларини амалга ошириш миллий мактабларда рус тилини ўқитишни анча яхшилашга имкон беради.

Шу билан бирликда, мактабда ўқитишнинг асоси бўлган она тилини ўқувчиларга ўргатишни яхши йўлга қўйиш керак.

Мактаблар ва олий ўқув юртлари учун ўзбек тилида чиқарилган дарсликлар, айниқса техника фанларига доир дарсликларнинг жуда камлиги катта нуқсондир. Рус тилида бўлмаган мактабларда она тилини ўқитишни яхшилаш масалаларига бағишлаб тез орада илмий конференция чақириш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ўқитиш савиясини ва ўқувчиларга политехника таълими бериш савиясини ошириш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилиш, аввало ўқитувчиларнинг малакасига боғлиқдир.

Республика мактабларида яқиндагина мустақил ишлай бошлаган ёш педагоглар, шунингдек мактабларда кўп йиллардан бери хизмат қилиб келаётган, лекин тегишли маълумотга эга бўлмаган ўқитувчилар кўп.

Ҳозирги вақтда ССР Иттифоқи Ҳукумати барча педагошка институтларида ўқиш муддатини тўрт йилликдан беш йилликка эйлантириш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу тадбир ўқитувчи кадрлар тайёрлашни яхшилайди, уларга политехника таълими бўйича ва ўқувчиларни меҳнат асосида тарбиялаш малакасини беради.

Мавжуд педагогика ўқув юртлари якин йиллар ичида зарур бўлган ўқитувчиларни етарли миқдорда тайёрлаб беролмайди. Вазифа — сиртдан ўқитишни анча кенгайтиришдан, ўқитувчиларнинг малакасини оширадиган курслар очишдан иборат.

* * *

Ҳозирги вақтда оммавий касблар учун ишчи кадрлар тайёрлаш катта аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Республикада бешта техника билим юрти, 17 та ҳунар, темир йўл, қурилиш мактби ва фабрика-завод таълими мактаби, 27 та қишлоқ хўжалигини механизациялаш мактаби бор. Бу мактабларда 12.5 минг киши ўқимоқда.

Бу мактаблар ва билим юртлари халқ хўжалиги учун малакали ишчилар тайёрлашда катта роль ўйнайди. Лекин уларнинг ишларида жиддий камчиликлар бор. Ўқувчилар етарлик равишда амалий билим олмаётирлар.

Олтинчи беш йилликда ҳунар мактабларида 55 минг малакали ишчи тайёрлашимиз керак. Аммо булар саноат ва қишлоқ хўжалигининг эҳтиёжини тўла равишда қондираолмади. Шу сабабли ишчиларни, айниқса маҳаллий миллат ишчиларини ишлаб чиқаришнинг ўзида ўқитиб, ўргатишни анча енг миқёсда ташкил этиш керак.

Енгил саноат министрлиги корхоналарида ўзбек ишчилари фақат 23 процентни ташкил қилади. «Таштекстильмаш» заводида (директори Ўрток Проскуряков) ўзбеклардан ишчилар ам. Заводдаги машинасозлик техникумининг филиали кейинги ирнеча йил ичида биронта ўзбек мутахассис тайёрлаб чиқармди.

Саноат корхоналарининг ва қурилиш ташкилотларининг, министрликларнинг ва бошқармаларнинг раҳбарлари шу нақсани тушуниб олишлари керакки, маҳаллий миллатлардан ишчилар синфини тайёрлаш партиямизнинг программ талаблардан биридир.

Саноат ва қишлоқ хўжалигида техника тараққий этиб ораётганлиги аҳолининг маданий-техника савиясини тинмай оширишни талаб қилади.

Юзлаб ва минглаб кишилар эмас, балки кенг омма техиканн эгаллаб олиши лозим. Бизнинг йигитларимиз ва қизларимиз трактор, автомашина ҳайдашни билишлари, бинокорлик асбларини эгаллаб олишлари, машинашунослик, электротехника асосларини ва шу каби ларни билишлари лозим. Бунинг учун ёшларни техника билимларининг асослари билан қуроллантириш, уларда техникага ҳавас тугдириш, техника интеллигенцияси кадрларини меҳр-муҳаббат билан ва планли равишда етиштириш зарур.

Ўртоқлар! Ўзбекистонда физкультура ва спорт йилдан-йилга тобора кўпроқ ривожланмоқда. Ярим миллионга яқин киши физкультура ва спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

Тошкент шаҳрида мамлакатдаги энг катта стадионлардан бири — 50 минг ўринлик «Пахтакор» стадионининг биринчи навбати қурилиб бўлди.

Ўтган йили республикада физкультура институти очилди. Тошкент, Фарғона ва Нукусдаги педагогика институтларининг жисмоний тарбия факультетлари ҳам олий малакали мутахассислар тайёрламоқдалар.

Кейинги йилларда физкультура ташкилотлари оммавий физкультура ишини ривожлантиришда ва Ўзбекистон спортчиларининг маҳоратини оширишда баъзи ютуқларга эришдилар.

Республикада ҳар йили юз мингдан кўпроқ йигит ва қиз БГТО ва ГТО значокларига норма топширади ва ўн мингдан кўпроқ киши разряд нормаларини бажаради.

Ўзбекистоннинг бир қанча командалари ва айрим спортчилари турли Бутуниттифоқ мусобақаларида муваффақият билан қатнашмоқдалар ва бу мусобақаларда муносиб ўрин олмоқдалар.

Бу йил «Пахтакор» жамиятининг футболчилари Афғонистон, Албания ва Эфиопия футбол командалари билан учрашиб, республика спортчиларининг шон-шуҳратини кўтаришга эришдилар.

Ўзбекистон шахматчилари ҳам шахмат ватани бўлган Ҳиндистон терма командаси билан бўлган ҳўстлик матчида муваффақият қозондилар.

Спортчиларимизнинг халқаро спорт алоқалари Ўзбекистоннинг чет мамлакатлар билан маданий алоқалари орасида тобора катта аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

Шу билан бирга физкультура ва спорт ишларининг умумий аҳволи ҳали ҳам қониқарсиз бўлиб қолмоқда.

СССР халқлари спартакиадаси Ўзбекистон командаларининг кўпчилиги спортчилик маҳорати савияси жиҳатидан кўпгина иттифоқчи республикаларнинг командаларидан пастда турганлигини кўрсатди.

Бунинг асосий сабаби шуки, Ўзбекистонда физкультура ҳаракати ҳали ҳам чинакам оммавий тус олгани йўқ.

Кўпгина корхоналарда ва транспортда, муассасаларда ва ўқув юртларида, колхозларда, совхозларда ва МТСларда физкультура коллективлари тузилгани йўқ ва ёшларнинг кўпчилик қисми ҳали ҳам физкультура ва спорт машғулотларига жалб қилингани йўқ.

Биз физкультура ва спортнинг чинакам оммавий тус олишига эришмоғимиз зарур. Ёшлар бор бўлган ҳамма жойда физкультура коллективлари тузилиши ва уларнинг мунтазам ишлашини таъминлаш лозим.

Келгуси, 1957 йилда Москвада ёшларнинг Жаҳон фестивали бўлади, бу фестиваль программасида спорт мусобақалари катта ўрин эгаллайди.

Бизнинг вазифамиз — бу фестивалга муносиб вакилларимизни юбориш ва ўзбек спортчиларининг муваффақият қозонишларини таъминлашдан иборат.

Идеология ишининг баъзи масалалари

Ўртоқлар! Меҳнаткашлар ўртасида оммавий-сиёсий ва бутун тарбиявий ишларни тубдан яхшилаш КПСС XX съезди илгари сурган тарихий вазифаларни муваффақиятли бажариш учун муҳим шартдир.

Бунда матбуотимиз, радиомиз, маданий-оқартув муассасаларимиз, адабиётимиз ва санъатимиз катта ўрин тутади.

Сўнгги йилларда республикада китоб, журнал ва газета чиқариш анча кўпайди, клублар, кутубхоналар, қироатхоналар, маданият саройларининг сони ўсди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ўзбек, рус, тожик, қорақалпоқ, қозоқ тилларида 208 газета ва 16 журнал чиқади, уларнинг умумий тиражи 1 миллион нусхадан ошиқдир.

Ўзбекистон халқлари ҳозирги вақтда марксизм-ленинизм классикларининг асарларини, рус совет ёзувчилари ва чет элли ёзувчиларнинг кўпгина асарларини ўз она тилида ўқимоқдалар.

Бирқанча республика ва область газеталари ўз саҳифаларида меҳнаткашларнинг хатларини систематик равишда босмоқдалар, улар редакциядан ташқаридаги активларни кенг тортмоқдалар. Бу ҳол газеталарга кўпгина муҳим масалаларни кўтаришга имкон берди.

Лекин, матбуотимиз ва ҳаммадан аввал газеталаримиз ҳали ҳам турмуш талабларидан орқада қолмоқдалар. Кўп газеталар совет кишиларининг меҳнатини ва турмушини чуқур ёритмаётирлар, ҳўжалик ва маданий вазифаларни ҳал қилишда, партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни яхшилашда партия ташкилотларига суст ёрдам бермоқдалар. Газеталаримиз ҳали ҳам ўткир принципиал танқид ва ўз-ўзини танқидни, айниқса қуйидан бўладиган танқидни авж олдириш учун чинакам трибуна бўлганлари йўқ. Шу билан бирга айтиб ўтмоқ керакки, бизнинг кўп ташкилотларимиз матбуотнинг танқидий чиқишларини ўз вақтида текшириб жавоб қайтариб турмайдилар.

Газеталарда саноат ва қишлоқ хўжалигидаги илғорларнинг, новаторларнинг тажрибасини, социалистик мусобақанинг уюштирилишини чуқур суратда очиб берилган материаллар кам босилмоқда.

Матбуотда идеология иши масалалари системасиз ва кўпинча юзаки ёритилади. Газеталар иктисодий билимларни ҳали ҳам чинакам пропаганда қилаётганлари йўқ, улар конкрет экономикани суст ёритмоқдалар.

Матбуот ходимлари Ўзбекистон олдида турган вазифаларни ҳал қилиш учун республикамиз олиб бораётган умумий курашда ўз масъулиятларини чуқур англашлари ва партиянинг кучли идеологик қуролини тинмай ўткирлаштириб боришлари, матбуотимизнинг ташкилотчилик ва тарбиячилик ролини янада оширишлари лозим.

Республикада китоб, брошюра ва плакатлар чиқариш йил сайин кўпайиб бормоқда. Революциядан илгари Ўзбекистонда ҳаммаси бўлиб 56 номда китоб ва тасвирий адабиёт нашр этилиб, уларнинг тиражи 118 минг нусха бўлган. 1955 йилда эса 1500 номда турли адабиёт нашр этилиб, уларнинг тиражи 22 миллион нусхадан ортди.

Лекин бизда қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқариши новаторларининг тажрибасини кенг ёдиган, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш масалаларини ойдинлаштирадиган оммабоп адабиёт ҳали ҳам кам чиқарилмоқда. Бизнинг нашриётларимиз чиқарадиган китоблар ўзининг бадиий безаги жиҳатидан Москва, Ленинград ва бошқа марказий шаҳарларда босиладиган китоб ва брошюралардан жуда катта фарқ қилади. Ўзбекистон Давлат нашриёти, Ўзбекистон ўқув педагогика нашриёти, Қорақалпоғистон Давлат нашриёти босиб чиқараётган китобларнинг кўпида жуда кўп полиграфик нуқсонлар бор.

Республикада полиграфия иши соҳасидаги вазифа — полиграфик корхоналарнинг материал жиҳатдан қуроллашини кескин суратда яхшилашдан, тўғри технологияни ўзлаштиришдан ва малакали кадрлар тайёрлаш масаласини ҳал қилишдан иборат.

Ўтган ўн йил мобайнида полиграфия базаси жуда кам ўзгарди, эскирган асбоб-ускуналар ўрнига қисман янги ускуналар келтирилганлиги ҳисобга олинмаса, бу соҳала ўзгариш жуда кам бўлди. Полиграфия саноатининг ишлаб чиқариш майдони атиги 29 процент кенгайди, босма маҳсулот чиқариш эса 4.5 марта кўпайди. Маҳсулотнинг ўсиши билан ишлаб чиқариш майдони орасидаги бундай номувофиқлик биринчи навбатда нашр қилиниадиган маҳсулотларнинг сифатига таъсир қилмоқда.

Тошкентда йилига бир миллиард лист оттиск босма маҳсулот ишлаб чиқарадиган мамлакатдаги энг йирик комбинатлардан бири бўлаётган газета-журнал комбинатини қуриш иши чўзилиб кетди. Бу комбинат қурилганда полиграфиянинг техника жиҳатдан қуроллаиши жиддий суратда кўтарилади ва китоб босиб чиқариш ишини кенгайтириш учун катта имконият туғилади. Бу комбинатни яқин икки йил ичида қуриб битириш учун тегишли чоралар кўрмоқ керак.

Шунингдек, китоб комбинати ҳам қуриш мўлжалланган бўлиб, бу комбинат йилига 60-70 миллион нусха китоб чиқаради, бунинг устига яна область марказларида саккиз босмахона қурилади, районларда бўлган босмахоналар реконструкция қилинади ва ҳоказо.

Совет кишиларининг маънавий эҳтиёжларини, айниқса китобга бўлган эҳтиёжларини тўла-тўкис қондириш Маданият министрлиги органларининг кундалик иши бўлмоғи лозим. «Ўзбекбирлашув» ниҳоят қишлоқда китоб савдосини уюштириш ини билан жиддий суратда шуғулланиши лозим.

Республикада радио ахборотини кенгайтириш ва радиолаштиришни ривожлантириш учун катта ишлар қилинди. Республикадаги радио тармоқлари фақат урушдан илгариги 1940 йилга нисбатан тўрт марта ўсди, радио трансляция установкаларининг умумий қуввати эса ўн бир марта кўпайди.

Бир неча кундан кейин Тошкент телевизион станцияси ишлай бошлайди. Бу эса Ўзбекистоннинг маданий ҳаётида катта воқиа бўлади.

Лекин радиолаштириш ва радио орқали эшитириш меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган маданий эҳтиёжларидан жуда орқада қолмоқда. Республикада колхозларнинг фақат ярмигина радиолаштирилган, колхоз уйларининг эса фақат учдан бир қисмигина радиолаштирилган. Биз яқин йиллар ичида республика қишлоқларини радиолаштиришни бутунлай тамомлашимиз керак. Бунинг натижасида ҳар бир колхозчи уйида радио бўлиши керак. Шу билан бирга радио эшиттиришнинг мазмунини жиддий суратда яхшилаш лозим. Радио ходимлари радио программасини янада хилма-хил қилиш, унинг ғоявий-сиёсий даражасини кўтариш учун энг бой имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланишлари лозим.

Республикамизда 3200 клуб ва маданият уйи, 3400 оммавий, касаба союз ва колхоз кутубхонаси бор.

Бироқ, кўпгина районларда оммавий-сиёсий ишлар қониқарсиз олиб борилмоқда ва бунга аввало сабаб шуки, интеллигенциямиз маданият уйлари, клублар ва кутубхоналарнинг ишларида кам қатнашмоқда, улар аҳоли олдида камдан-кам лекциялар ўқийдилар ва докладлар қиладилар.

Бизнинг шонли комсомолларимиз маданий-оқартув муассасалари ишининг актив кучи бўлишлари лозим. Агар маданий-оқартув муассасаларининг ходимлари, комсомол, бутун интеллигенция, ўқитувчилар, врачлар, агрономлар, эзотехниклар ва қишлоқларда — колхозлар, совхозлар, МТС ларда ишловчи бошқа мутахассислар аҳиллик билан маданий-оқартув ишига киришсалар, бу масъул участкадаги иш юришиб кетган бўлар эди.

Колхозчиларга оммабоп лекцияни ўқитувчи, врач ёки агроном ўқимаса ким ўқийди, улар билан бошқа ким суҳбат ўтказади, уларга бизнинг мамлакатимизда ва чет элларда бўлаётган янгиликлар тўғрисида, фан ва техниканинг, саноат ва қишлоқ хўжалигининг ютуқлари тўғрисида, илғор тажриба тўғрисида бошқа ким ҳикоя қилиб беради, совет турмуши ва аҳлоқига доир бир қанча масалаларни улардан бошқа ким ўртага қўяди?

Ишчи ва колхозчиларимизга бадиий ҳаваскорлик ишини уюштириш ва ривожлантиришда, халкни эстетик жиҳатдан тарбиялашга таъсир кўрсатишда бизнинг интеллигенциямиздан бўлак ким ёрдам бериши мумкин? Лекин, шу билан бирга шуни назарда тутмоқ керакки, маданий-оқартув иши кўпинча бўлаётганидек, кампания тарзида эмас, балки доимий равишда, кун сайин, мунтазам суратда олиб борилмоғи лозим. Ашула байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида кўпгина яхши ҳор коллективлари тузилган эди, лекин байрам ўтиши билан бу коллективлар ҳам тарқалиб кетди.

Шу билан бирга биз маданият органларига маданий-оқартув муассасаларини малакали кадрлар билан мустаҳкамлашда жиддий ёрдам кўрсатишимиз лозим. Бу муассасаларда, айниқса қишлоқдаги муассасаларда, кўп ҳолларда етарли даражада умумий-сиёсий ва махсус тайёргарликка эга бўлмаган кишилар ишлайди, шунингдек, уларда клуб, кутубхона ва маданият уйлари ишини билмайдиган кишилар ишлайди.

Колхозларда янги маданий-оқартув муассасаларини қуриш ишлари яхши бормаётир.

Ўзбекистонда 700 дан ошиқ колхозда клуб йўқ ва 1000 га яқин колхозда кутубхона йўқ. Лекин гап пулда эмас, балки ташкилотчилик ишидадир. 1954-1955 йилларда колхозлар маданий фондга 191 миллион сўм пул ажратдилар. Бу маблағларнинг ярмиси ҳам фойдаланилмади. Шу йиллар мобайнида маданий эҳтиёжлар учун матлубот кооперацияси ва Узпромсовет йўли билан ажратилган 88 миллион сўм пул фойдаланилмай қолди.

Аҳоли ўртасида маданий-оқартув ишлари даражасини кескин суратда кўтариш учун ҳамма имкониятлар бор. Вазифа шундан иборатки, ҳар бир ўқитувчи ва врач, ҳар бир инженер ва техник, ҳар бир агроном омма орасида маданият тарқатувчи актив ходим бўлиши лозим. Маданий-оқартув муассасаларининг бутун иши меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашни кучайтириш вазифаларига бўйсундирилиши зарур.

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Ўртоқлар! Ҳозирги кунда Совет мамлакатида экономика ва маданиятни янада юксалтиришга қаратилган энг муҳим чора ва тадбирлар амалга оширилаётган бир чоқда, совет адабиёти ва санъатининг ижтимоий-ғаватирувчилик ва тарбиячилик роли янада кўпроқ ошиб бормоқда.

Адабиёт ва санъат ходимлари ҳозирги замон темаларида, омманинг меҳнат соҳасидаги ғайратини, унинг коммунизм учун олиб бораётган курашини акс эттирадиган асарлар яратишда маълум иш қилдилар. Ўзбек адабиётининг роман, повесть, ҳикоя, очерк, драматургия, болалар адабиёти каби янги формалари биринчи марта юзага келди.

Тақидчилик ва адабиётшунослик соҳасида маълум даражада жонланиш юз берди. Ўзбекистон совет адабиётининг Ҳамза Ҳакимзода, Ҳамид Олимжон, Ойдин, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Ш. Рашидов, Уйғун, Зулфия, Светлана Сомова, Яшин, А. Иванов, Собир Абдулла, Мирмуҳсин, С. Бородин, М. Шевердин, А. Удалов каби ва бошқа кўпгина намояндаларининг номлари бизнинг ҳаммамизга яхши маълум.

Ўзбекистон ёзувчилари классик адабиётнинг, халқ ижодиётининг энг яхши традицияларини ижодий равишда ривожлантириб ва бойитиб, халқ оммасининг курашини ҳаққоний акс этдириб бериш билан бирга, совет адабиётини социалистик реализм принциплари асосида янада кучли суратда юксалтириш учун қатъий кураш олиб боришлари лозим.

Бироқ, Ўзбекистон адабиёти халқлан катта қарздор. Совет воқилиги кўп ёзувчиларимизнинг бадиий ижодиётида акс этдирилгандан кўра анча ёркинроқ, хилма-хилроқдир.

Бизда саноат меҳнаткашлари бўлмиш ишчилар синфи тўғрисида битта ҳам йирик бадиий асар яратилган эмас.

Айрим ёзувчиларнинг ҳаётни билмасликлари воқиликни бўяб-безаб кўрсатишга, конфликтсизликка олиб келмоқда. И. Раҳимовнинг «Ҳаёт булоқлари» романи, Ҳаким Назирнинг «Кўк орол чироқлари» повести, Пўлат Мўминнинг «Ўринбосарлар» деган поэмаси ва бошқа асарларда қисман шундай нуқсонлар бор.

Лекин бунинг акс томонини ошириб юборадиган асарлар ҳам бор. Сўнгги йилларда ўзбек адабиётида ҳаётимизнинг фақат салбий томонларини кўрсатувчи асарлар пайдо бўлди (Б. Раҳмоновнинг «Сурмахон» пьесаси, Тамкиннинг «Сингиллар қиссаси» деган пьесаси, Артишевнинг «Анор гул» повести ва бошқалар).

Ўзбек совет адабиётининг янада шаклланиши пешқадам рус ва чет эл ёзувчиларининг ижодий тажрибасидан, ўзбек миллий адабиётининг энг яхши традицияларидан фойдаланишга асосланиши лозим.

(Давоми бешинчи бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ИНТЕЛЛИГЕНЦИЯСИ СЪЕЗДИ

Ўрток Н. А. МУҲИТДИНОВ докладининг давоми

(Боши тўртинчи бетда)

Х. Хоразмий, Камол Хўжандий, Лутфий, Атоий, Саккокий каби ўтмишнинг сўз усталари томонидан ёзилган асарлар, Алишер Навоийнинг ўлмас асарлари, Бобир, Турдий, Гулхаий, Махмур, Фурқат, Муқимий, Аваз, Завқий ва бошқа кўпгина ёзувчиларнинг прозаик ва шеърий асарлари, Нодира, Махзуна, Увайсий каби, феодализмнинг оғир шароитида маданиятга интилиб бир қанча адабий асарлар яратган ўзбек шоираларининг номи ҳаммамизга маълум.

В. И. Ленин Совет ҳокимиятининг дастлабки кунлариданоқ адабиётчиларга янгилик куртакларини диққат билан кузатиб боришни, меҳнаткашлар ҳаётини яқиндан билишни таълим берган эди. «...Куйига, янги ҳаёт тузумини кўриш мумкин бўлган провинциядаги ишчи посёлкасида ёки қишлоқда бўлаётган ишга назар солмоқ керак» деб ёзган эди у Горькийга.

Афсуски, кўп ёзувчиларимиз халқнинг ҳаётини, унинг қувончи, ҳатиёжлари, орзу-тилакларини яхши билмайдилар, меҳнаткашларнинг олиб бораётган кундалик курашини билмайдилар, шу сабабдан улар ўз асарларининг сюжетларини ҳам, ҳаётда мавжуд бўлмаган конфликтларни ҳам ўйлаб чиқарадилар.

1951 йилда Москвада ўзбек адабиёти ва санъати декадаси ўтказилди. Бу декада умуман яхши ўтди, адабиёт ва санъат соҳасида хизмат кўрсатган кўп арбоблар ҳукумат томонидан мукофотланди. Аммо «Правда», «Литературная газета» газеталари, Москва жамоатчилиги адабиёт ва санъат арбобларимизнинг ишлари тўғрисида кўпгина ҳаққоний мулоҳазаларни айтдилар.

Ўзбекистонга кўрсатилган жуда катта эътибор барча ижодкор ходимлардан адабиёт ва санъатни янада юксак даражага кўтаришни талаб этган эди.

Ўша вақтдан буён 5 йил ўтди. Шу давр ичида нималар яратилганлигини кўздан кечирайлик.

Республикадаги ёзувчилар, композиторлар ва рассомлар декададан кейин янги асарлар яратамиз, деб ваъда берган эдилар. Аммо, афсуски, бу ваъдалар бажарилмади. Биз ҳурматли шоирларимиз, композиторларимиз ва ёзувчиларимиздан: нечун янги асарлар яратмалингиз, деб сўраганимизда улар, бундай қисқа вақт ичида йирик асарларни яратиш имкони йўқ, деб жавоб берадилар.

Аммо, азиз дўстлар, бунинг сабабларини текшириб кўрайлик. Фақат баъзи фактларнигина келтириб ўтаман. «Фурқат» драмасини ёзиб тамомлаш учун ҳурматли Ғафур Ғуломга ўн йиллик муддат кифоя қилмабди. Ғафур Ғулом 1952 йилда бу драмани бир-икки йил ичида ёзиб тамомлайман деб ваъда берган эди. Ёзувчи Уйғун ва композитор Бурҳонов «Навоий» операсини яратамиз, деб берган ваъдаларининг устидан чиқмадилар.

Халқимиз 1952 йилдан буён Яшин ва Ашрафийдан «Ҳамза» операсини, Литвинова ва Мушельдан «Тонг отарда» балетини, шоира Зулфиядан «Қишлоқ врачи» поэмасини кутиб келмоқда. «Иван Сусанин», «Борис Годунов», «Ёш гвардия» опералари текстларини ўзбек тилига таржима қилиш ҳеч сабабсиз кечиктирилмоқда. Ахир, бу иш икки йил муқаддам тамомланиши керак эдику.

Ижодий иш ишлаб чиқариш «графиклари» билан белгилана олмаслигини яхши биламиз. Бу соҳада кўп нарса ёзувчи, композитор ёки рассомнинг илҳомига, шахсий қобилиятига, таланти ва истеъдодига боғлиқдир.

Лекин шундай бўлса ҳам асосий нарса — қунт билан ишлашдадир. Талантли бўлган ҳолда, ҳеч нарса ёзмай қўйиш ҳам мумкин. Талант ўз самараларини бермоғи учун меҳнат қилмоқ керак.

Катта асарларни яратиш учун, шубҳасиз, фурсат керак албатта.

Аммо ёзувчилар, композиторлар ва рассомларнинг меҳнатни ғоят севганликларини кўрсатадиган мисоллар тарихдан маълум. Масалан, Верди «Аида» операсини 60 кунда, Чайковский «Пиковая дама»ни 44 кунда, Россини «Севиля сартароши»ни 35 кунда ёзган. Горький, Чехов, Маяковский, Н. Островский, Муқимий, Фурқат, Ҳамза ва бошқа кўп ёзувчиларнинг бутун ижодий ҳаёти зўр бериб ишлаш билан характерланади.

Ижодкор ходимларимиз халқимиз жуда муҳтож бўлган йирик ва ҳозирги замон асарларини яратишлари учун уларда барча имкониятлар ва етарлигича вақт бор эди.

Зўр афсус билан шуни айтиш керакки, айрим отоқли ёзувчилар ва композиторлар мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеалардан четда қолдилар.

Афтидан, биз ҳам ижодий ташкилотларимизнинг ишлари билан кам шуғулландик.

Совет ёзувчилари союзи прозаиклар, шоирлар, драматурглар, адабиётшуносларнинг ижодий фаолиятига шу вақтгача жуда ҳам қониқарсиз раҳбарлик қилиб келди. Бунинг устига Ёзувчилар союзи кейинги вақтларда ижодий ташкилотдан маъмурий хўжалик органига айланиб қолган. Ёзувчилар союзининг раҳбарлари ёзувчиларнинг ишларига иш кўзини билиб раҳбарлик қилмадилар, секциларнинг ижодий иш олиб боришини таъминламадилар, журналларнинг ишига, хусусан «Звезда Востока» журналининг ишига яхши раҳбарлик қилмадилар.

Ёзувчилар союзи, янгиқа, янги раҳбарларни сайлади. Бу янги раҳбарлар Ёзувчилар союзининг ишини қайта қуради, ёзувчилар учун чинакам ижодий вазиятни вужудга келтиради, деб умид қилиш мумкин.

Эркин ижодий дискуссиялар бўлмаса, адабиётни ривожлантириш мумкин эмас. Ҳар бир ёзувчининг асарларидаги камчиликлар объектив суратда ва холисона танқид қилиниши лозим, бу танқид соғлом, талабчанлик, дадил ижодий изланиш ва биргаликда фикр юритиш вазиятини вужудга келтириши лозим.

Ёзувчиларнинг асарлари меҳнаткашларнинг ҳаёти тўғрисида ҳаққоний сўзлаб бериши, совет кишисининг юксак маънавий фазилатларини, унинг юксак маънавий ҳислатларини тамомила очиб бериши, ўтмишнинг кишилар онгидаги сарқитларини, қолоқлик ва эскиликни фош қилиб ташлаши керак.

Ёзувчилар союзи, адабиётшуносларнинг 1905-1917 йиллар давридаги ўзбек адабиётини суст ўрганаётганликларини айтиб ўтиш керак. Бу давр маҳаллий буржуазия ва унинг идеологиясининг тарих майдонига чиқиши билан характерланади. Маҳаллий буржуазиянинг идеологияси тарихда «жадидизм» деган номни олди. «Жадидизм» тўғрисидаги масала шу вақтгача танқидий ўрганилган эмас.

Прогрессив қайфиятдаги баъзи ўзбек ёзувчилари ва шоирлари ҳам баъзан жадидизм мавқеида турган эдилар. Бизнинг адабиётшуносларимиз жадидизмнинг моҳиятига баҳо беришда хатоларга йўл қўйишдан қўрқиб, умуман ана шу даврдаги адабиётни ўрганишдан ўзларини четга оладилар. Бундай ҳадиксираш совет фанининг руҳига ётдир.

Яна қуйидаги масалаларга эътиборингизни жалб этишни истар эдим: Ҳамза ўзбек совет реалистик адабиётининг отасидир. Унинг ижоди йигирманчи йилларга таллуқлидир. Ёзувчилардан Ҳ. Олимжон, Ғ. Ғулом, Ойбек, Уйғун ва бошқалар ўттизинчи ва қирқинчи йилларда адабиёт майдонига чиқдилар. Шундай бўлиб чиқадики, ўша даврда адабиётнинг Ҳамзадан бошқа йирик намояндалари гўё бўлмаган. Бундай деб ўйлаш ҳақиқатга тўғри келмайди.

Совет Ўзбекистонининг тарихидаги ана шундай жўшқин бир даврда, яъни Совет ҳокимиятини ўрнатиш, интервенцияни ва босмачиликни тугатиш, индустриалаштириш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, социализм қуриш даврида ўзбек адабиётининг бирқанча йирик намояндалари бўлмаган дейиш мумкинми.

Шу сабабдан, бизнинг фикримизча, адабиётни яхши биладиган ўртоқларимиздан бир группасига ана шу даврдаги ўзбек адабиётини ўрганишни топшириш, репрессия қилинган айрим ёзувчи ва шоирларнинг ишларини кўриб чиқиш ва ўша даврда ёзилган баъзи адабий асарларнинг тақиқланиши нақадар тўғри эканлигини аниқлаш тўғри бўлур эди. Ўз асарларида хато ва нуқсонларга йўл қўйганлари ҳолда, душманлик ниятида бўлмаган ва давлатга қарши иш кўрмаган ҳамда халққа нисбатан хоинлик қилмаган ёзувчи ва шоирларни оқлаш, уларнинг энг қиммати асарларини қайтадан нашр этиш керак.

Абдулла Қодирий (Жўлқунбой) каби машҳур ўзбек ёзувчисининг жиноятчи бўлганлигига ишониш қийин! Абдулла Қодирий (Жўлқунбой)ни оқлаш ва унинг бирқатор популяр асарларини қайтадан нашр этиш керак. **(Қарсаклар).**

Ўртоқлар! Ўзбекистон халқлари ўзларининг кўп йиллик тарихи давомида ғоявий халқ — поэтик ижодининг ўлмас асарларини вужудга келтирдилар. Бу асарларда халқнинг ижтимоий ҳаёти, унинг яхши ҳаёт сари интилиши, адолатсизлик ва ҳуқуқсизликка қарши кўп асрлар мобайнида олиб борган кураши, Ватанга муҳаббат, барча халқларни ҳурмат қилиш туйғулари ёрқин акс эттирилган.

Революциядан илгари халқ саводсиз эди, ўзбек адабиёти классикларининг асарлари халқ мулки бўлмаган эди, у даврда ижодиётнинг оғзаки формаси асосий роль ўйнаган эди. Халқ оқинлари, ҳофизлари — Эргаш Жуманбулбул, Фозил Шоир, Ислом Шоир, Пўлкан Шоир ва бошқа кўпгина бахшилар боболаримизнинг ажойиб поэтик ижодларини авайлаб сақладилар ва ҳозирги кунгача олиб келдилар. Халқ уларни севди ва ғоят қадрлади. Классикларнинг энг яхши шеърлари халқ мелодияларига мослаштирилиб куйланиб келди.

Ўзбек халқ поэтик ижодиёти, шунингдек қорақалпоқ халқ поэтик ижодиётини тўплаш ва нашр этиш соҳасида муайян ишлар қилинди. Аммо фольклор асарлари жуда кам миқдорда тўпланди ва жуда кам нашр этилди.

Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти, Санъатшунослик институти, олий ўқув юртларидаги филология факультетлари ходимларининг вазифаси халқ поэтик ижодиётининг бутун бойликларини ёзиб олишни уюштиришдан, тадқиқот ишларини кенгайтириш ва кучайтиришдан иборат. Халқ поэзиясининг ана шу дурдоналари ҳалққа, келгуси авлодимизга керак.

Халқимиз ўзбек адабиётида қудратли илғор индустрияни вужудга келтирган қаҳрамон ишчилар синфимиз тўғрисида катта полотноларни жуда қисқа вақт ичида яратилишини кутмоқда. Халқимиз Ўзбекистон ёзувчиларининг пахтадан мўл ҳосил етиштираётган колхоз далаларининг ажойиб меҳнаткашлари тўғрисида, Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон деҳқончилигини примитив даражадан ғоят механикалаштирилган ва энг илғор хўжалик даражасига кўтарган қишлоқ хўжалик ходимлари тўғрисида янги, ёрқин асарлар вужудга келтиришини кутмоқда.

Ёзувчилар олдида коммунистик қурилишнинг улуғвор программасини бажаришда ўз ижодлари билан халққа ёрдам бериш вазифаси турибди. Ёзувчилар халқ орасида, ўз асарларида тасвирланадиган қаҳрамонлар орасида бўлишлари керак.

Ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистоннинг адабиёт ва санъат ходимлари совет кишиларини коммунистик онглилик руҳида, олижаноблик ва маънавий поклик руҳида тарбиялашни кўзда тутган бадиий юксак асарларни яратиб бериш учун кучларини аямайдилар.

Ўртоқлар! Адабиёт билан бир қаторда ўзбек театри ҳам зўр бериб юксалмоқда. Ўзбек театри халқнинг буюк муҳаббатига сазовор бўлди. Миллий театр халқ санъатидаги театр-томоша элементларидан ва пайдо бўлаётган миллий драматургия элементларидан фойдаланиб асосида, СССР халқлари бой маданиятининг самарали таъсири остида вужудга келди.

Ўзбекистонда 26 театр ва 3 концерт ташкилоти бор. Ана шу коллективларда уч мингдан ортиқ ижодкор ходим ишламоқда.

Театр санъатининг Сора Эшонтўраева, Аброр Ҳайитов, Ҳалима Носирова, Мария Кузнецова, Тамара Ҳоним, Мукаррама Турғунбоева, Галина Загурская, Галия Измайлова, Олим Хўжаев, Шукур Бурҳонов, Пётр Давидов, Анатолий Овчинников, Нина Мартинова, Саодат Қобулова, Асад Азимов, Гулнора Маваева ва шулар сингари отоқли мастерларининг номлари ҳаммага маълум.

Санъат усталаримиз Хитой, Бирма, Ҳиндистон, Миср, Эронда ва Европа ҳамда Осиёнинг бошқа кўп мамлакатларида бўлдилар.

Ўзбекистон хореография санъати бутун дунёда ҳаққоний суратда донг чиқарди.

Ўзбекистоннинг театр санъатини ривожлантиришда шубҳасиз муваффақиятларга эришилди. Аммо шундай бўлса ҳам театр санъатида бир қанча нуқсонлар бор.

Кейинги йилларда ҳозирги замон темаларида яхши постановкалар кам яратилди. Ўзбек драматургияси жиддий суратда орқада қолмоқда.

Драматургиянинг ғоявий-бадиий жиҳатдан юксак асарлари бўлмаса, миллий театр муваффақиятли суратда ривожлана олмайди.

Бизда ҳақиқатан ҳам чуқур мазмунли драма пъесалари ва комедиялар жуда кам яратилди. Ёзилган пьесалар тематикаси ва жанри жиҳатидан бир хилдир.

Ўзбек драматургиясида темаларни бачканалаштириб юбориш, арзимаган майший-оилавий конфликтларга ориентация қилиш каби ҳоллар учрайди.

Ҳеч қайси театр ўз миллий драматургияси доирасида чекланиб қололмайди. Таржима қилинадиган пьесалардан фойдаланиб театрни бойитади ва унинг ўсишига ёрдам беради, оммани тарбиялаш вазифаларини бажаришни енгиллаштиради. Лекин шундай бўлса ҳам Островский, Чехов, Горький, Шекспир, Мольернинг ва жаҳон адабиётидаги бошқа улуғ намояндаларнинг кўпгина ажойиб пьесалари ва совет авторларининг бир қанча пьесалари ўзбек тилига таржима қилинмаган.

Театрларимиздан ўз профессионал маҳоратини оширишларини талаб қилишга ҳақлимиз.

Кино — меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг муҳим воситасидир. Аммо тарбия ишларида санъатнинг ана шу туридан ҳали суст фойдаланмоқдамиз. Бизда кинотеатрлар кам, қишлоқ аҳолисига кино хизмати кўрсатиш яхши ташкил қилинмаган. Тошкент киностудияси халққа кўп қарздор бўлиб қолди. Бу киностудия фильмларни кам ишлаб чиқармоқда. Киностудиянинг ижодий ходимлари ўз ишларида совет кинематографиясининг бой тажрибаларидан фойдаланмайдилар, кино санъатининг энг яхши усталаридан таълим олмайдилар, ўша-ўша эски, саёз маълумотлари билан ишлаб келмоқдалар.

Тажрибали ёзувчиларимиз энг яхши драматурглар ва театр артистлари билан ҳамкорликда мукаммал сценариялар яратишлари зарур. Рангли кинофильмлар чиқарабошлаш керак, ҳар йили 10-12 кинофильм, 50-60 журнал, киноочерклар чиқариш керак.

Маданият министрлиги (Ўртоқ Қўчқоров) малакали режиссёр, сценарист ва оператор кадрлар тайёрлаш масаласини ҳал қилмоғи, Тошкентда янги киностудия биносини тезликда қуриб тамомлаши керак.

Совет кишисини маънавий жиҳатдан ўстиришда музика катта аҳамиятга эгадир. Музика халқнинг руҳий дунёсини, унинг маънавий кучини ва ўзига хос хусусиятларини ифода этади.

Совет Ўзбекистонининг музикаси мамлакатимиздаги кенг халқ оммасига ва чет эл мамлакатлари халқларига манзур бўлди. Чет эл делегациялари аъзолари томонидан берилаётган жуда кўп саволлар, чет эл матбуотида босилаётган мақола ва хабарлар ўзбек халқининг музика маданиятига қизиқиш жуда катта эканлигини кўрсатади. Эроннинг музикашунослари-дан Холиқий «Эрон музикаси» деган журналда ўзбек халқининг миллий музикани юксалтиришда катта муваффақиятларга эришганлиги ҳақида ёзади ва миллий музика соҳасидаги тажрибалардан фойдаланишга чақиради.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда тамошабинларнинг тақсинига сазовор бўлган бир қанча янги асарлар яратилди. Ашрафий, Юдаков, Бобоевнинг кантаталари, Акбаров ва Зокировнинг симфоник асарлари, Муҳамедов, Изомов, Раҳимовнинг қўшиқлари ана шундай асарлар жумласидандир. Композитор Бурҳоновнинг хор учун мослаб ишлаган халқ қўшиқлари ном чиқарди. Тўхтасин Жалилов, Юнус Ражабий ва бошқа ўртоқлар музика санъати соҳасида бир мунча иш олиб бормоқдалар.

«Кармен», «Марварид изловчилар», «Пиковая дама», «Евгений Онегин» операларининг ўзбек тилида саҳнага қўйилганлиги, шунингдек ўзбек опералари: «Бўрон», «Лайли ва Мажнун», «Гулсара» ва бошқа асарларнинг саҳнага қўйилганлиги катта муваффақият бўлди.

Аммо шу билан бирга ўзбек музика санъатини ривожлантиришда ҳали кўпгина жиддий камчиликлар бор.

Кейинги йилларда композиторлар совет кишиларининг маънавий бойлигини, улар қилаётган ишларнинг улуғворлигини юксак бадиий формада намоён қиладиган бирорта ҳам ўзбек операсини яратганларича йўқ.

Ўзбек операси ва уни бундан буён юксалтириш халқаро аҳамиятга ҳам эгадир.

Четэллардан келувчи меҳмонлар театр биносини кўришни истаганликлари учун эмас, балки музика санъатининг олий формаси бўлган миллий операни қандай яратаётганлигимизни билишни истаганликлари учун опера театримизнинг постановкаларини албатта тамоша қиладилар.

Ҳозирги замон темасида миллий операни яратиш соҳасида жиддий камчиликларимиз борлигидан кўз юмиш ярамайди.

Масалан, Ашрафий ва Василенконинг «Улуғ канал» номли опера асари идея жиҳатидан мазмунли бўлса ҳам, бу идея либреттода ва музикада ўзининг тўлиқ ифодасини топмаган. Ҳаётий конфликтнинг йўқлиги, воқиада иштирок этувчилар — қурилиш қаҳрамонларини тасвирлашдаги схематизм, музика характеристикаларининг саёзлиги — буларнинг ҳаммаси операнинг бадиий қимматини пасайтирган ва шу сабаблан опера халққа манзур бўлмади.

Янги опера ва балетнинг вужудга келтирилмаётганлигига сабаб бизда талантли композиторларнинг йўқлиги эмас. Бизда талантли композиторлар бор. Бутун гап шундаки, бизнинг композиторларимиз ҳаётнинг хилма-хил томонларини, опера санъатининг нозик томонларини яхши билмайдилар, опера асарларини яратишда композиторлар билан ёзувчилар ва актёрлар орасида ҳамкорлик йўқ.

Композиторларнинг вазифаси — янги ўзбек опералари, балетларини, йирик симфоник ва вокаль асарларни яратишдан иборат. Композиторлар ҳаётимиздаги ҳаяжонлантирувчи воқиаларни, совет кишисининг маънавий қиёфасини акс эттиришлари лозим.

Бизда оммавий қўшиқлар яратиш масаласи кўнгилдагидек эмас.

Ўзбек халқи қўшиқларини ҳамиша севиб келганлиги маълум. Революциядан илгариги оғир йилларда ҳам қўшиқ ўзбек деҳқонининг доимий йўлдоши эди, ўзбек деҳқони қўшиқларни ўзи тўқир эди.

Бутун гап шундаки, бизнинг композиторларимиз ўз ижодида халқ севган мелодиялардан жуда кам фойдаланмоқдалар, халққа манзур бўлган ва халқ завқ билан куйлайдиган янги қўшиқларни ана шундай мелодиялар асосида вужудга келтирмаётирлар.

Композиторлар союзида, композиторларимиз миллий музика меросининг қандай элементларидан фойдаланишлари керак ва қандай жанрларидан фойдаланмасликлари керак, деган масала устида узоқ вақт мунозара олиб борилди. Мақомлар тўғрисидаги масала айниқса кескин қилиб қўйилди. Мақомлардан фойдаланган кишиларни қолоқликда, консерватизмда айбладилар. Халқ севадиган музика драмаси каби санъат жанри ўрнисиз қамситилди. Халқнинг ажойиб меросини эътиборсиз ташлаб қўйишга интилиш муқаррар жиддий хатоларга олиб келиши керак эди ва олиб келди ҳам.

Шу сабабдан, композиторларимиз яратган кўп ашула ва қўшиқларнинг оммаси орасига кенг ёйилмаётганлиги, узоқ умр кўрмаётганлиги тасодифий бир ҳол эмас. Республикадаги халқ чолғу асбоблари оркестри, хор капелласи, ашула ва рақс ансамбли каби коллективларнинг репертуари янги асарлар билан суст бойитилмоқда.

Композиторларнинг ижоди билан халқ музикаси ўртасида мустаҳкам алоқанинг йўқлиги — Ўзбекистонда музика санъатини ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган муҳим сабабларнинг биридир.

Композиторларимизнинг баъзи асарларини эшитганда, бу асарларнинг авторлари ўзбек халқ музикасини, ўзбек халқининг ажойиб музика меросини ё менсимайдилар, ёки тамомила билмайдилар, деган хулосани чиқаришга тўғри келади. **(Қарсаклар).**

Ўзбек музика санъати жуда бой тарихга эгадир. «тановар», «ушоқ», «сайёра», «ироқ», «баёт», «роҳат» ва шулар сингари халқ қўшиқлари гўзаллиги, ифоданинг кучлилиги ва оммабоплиги билан тингловчиларни қойил қолдиради. Аммо, ўртоқлар, халқ санъатимизнинг кўп асрлик тарихи ҳарқанча бой бўлганда ҳам, кўп аср илгари вужудга келтирилган айрим куйларнинг нафислигига ҳар қанча қойил қолсак ҳам, шуни айтиш керакки, санъатнинг юксалиш даражаси унинг ҳозирги пайтда қандай бойитилаётганлиги ва ривожлантирилаётганлиги билан, унинг йўналиши ва перспективалари билан белгиланади.

Композиторлар ўзбек халқининг энг бой тарихий музика меросини авайлаб ва тўла сақлаб қолган ҳолда музика санъатининг янги олий формаларини юксалтиришга кўпроқ эътибор беришлари лозим.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда музика санъатини янада ривожлантириш соҳасидаги асосий нарса опера, балет, симфонияларни вужудга келтиришдан иборат.

Музика кадрларини, биринчи галда, миллий кадрларни тайёрлаш ишларининг кўнгилдагидек эмаслиги, Ўзбекистонда музика санъатининг орқада қолаётганлигига асосий сабаблардан биридир.

Тошкент консерваторияси ташкил этилганидан буён ўтган 20 йил мобайнида жуда кам мутахассислар тайёрлаб чиқарди. Дирижёрлик-хор ва композиторлик факультетларида миллий кадрлар тайёрлаш айниқса қониқарли эмас. Шуни ҳам айтиш керакки, консерваторияда имтиёзли диплом олган мутахассислар кўпинча амалий ишга тайёрланмаган бўлиб чиқадилар.

Москва ва Ленинград консерваторияларидаги ўзбек студияларининг тугатилганлигини хато деб ҳисоблаш керак. Ана шу хатони тузатиш ва мазкур консерваторияларда ўзбек студияларини тезликда тиклаш ҳамда энг яхши, талантли ўзбек ёшларини ўқиш учун бу студияларга юбориш лозим.

Республикадаги музика мактаблари ва ўқув юртларида ҳам музика таълими қониқарли олиб борилмаётир. Умумий таълим мактабларида болаларга музика тарбияси бериш ҳам яхши йўлга қўйилмаган.

Ўзбекистон ССР Маданият Министрлиги, Маориф министрлиги мактабларда музика таълими ишларини уюштиришга ўз муносабатларини тубдан ўзгартиришлари керак.

* * *

Коммунистик партия ва совет халқи рассомларнинг олижаноб меҳнатини ғоят қадрламоқдалар, уларга зўр эътибор ва ғамхўрлик қилмоқдалар.

Ўзбекистонда ажойиб рассомлар ўсиб етишди. Тансиқбоев, Абдуллаев, Қайдалов, Уфимцев, Татевосьян ва шулар сингари бошқа рассомларнинг номлари республикамиздагина эмас, балки бошқа жойларда ҳам машҳурдир.

Бизда тасвирий санъатнинг барча реалистик жанрлари вужудга келди ва мавж уриб юксалмоқда.

Аммо рассомларимиз ўз мазмуни жиҳатидан чуқур ғоявий ва бадиий маҳорати жиҳатидан мукаммал асарларни ҳозирча етмаяратганлари йўқ.

Рассомчилик ва графиканинг кейинда қолаётганлигини, монументаль скульптурининг яратилмаганлигини оқлайдиган ҳеч қандай сабаблар йўқ.

Республикада неча юзлаб машҳур ва ажойиб халқ мастерлари, тош, ганч, ёғоч ўймакорлари ва металл ўймакорлари бор. Аммо уларнинг бир қисми ўз касбларини ўзгартирган ва ўз ихтисоси бўйича ишламаётир, уларнинг юксак маҳорати эса ёш авлодга ўргатилмаётир. Бизда бу иш билан ҳеч ким жиддий шуғулланмаётганлиги сабаблигина шундай аҳвол рўй бермоқда.

Чинни заводи, тўқимачилик корхоналари, мебель фабрикалари, бинокорлик ташкилотлари миллий орнамент нақшларидан ва традицион бўёқлардан яхши фойдаланмаётирлар.

Рассомларимиз ўз асарларининг тематикасини қолгайтиришлари, профессионал маҳоратларини оширишлари, тасвирий санъат жанрларининг барча турларини ривожлантиришлари керак.

1958 йилнинг биринчи ярмида Москвада ўзбек адабиёти ва санъати декадаси ўтказилади. Бу декада Ўзбекистон меҳнаткашларининг маданий ҳаётида катта воқеа бўлади.

Бу эса ёзувчиларимиз, рассомларимиз, композиторларимиздан, барча санъат арбобларидан бадиий жиҳатдан юксак янги асарлар яратишни талаб этади.

Бу декада Ўзбекистон адабиёти ва санъатининг ғоят ўсганлигини намойиш қилиб кўрсатиши керак. Ҳозирги замон темаларида салмоқли театр постановкалари, кинофильмлар, опералар, романлар ва повестлар яратмай туриб, декадани муваффақиятли ўтказиш тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас.

Декадага тайёргарлик янги ёш талантларни топиш ва тарбиялаш ҳамда ўзбек халқи маданиятини янада юксалтириш вазиятида олиб борилиши лозим.

МЕҲНАТКАШЛАРНИ ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ

Ўртоқлар! Коммунистик партия ленинча миллий сиёсатни тўғри амалга ошириш натижасида мамлакатимиз халқлари ўртасида тўла ишонч ўрнатишга ва уларнинг қардошларча дўстлиги ҳамда ҳаргомонлама ҳамкорлигини мустаҳкамлашга муваффақ бўлди. Совет кишиларининг сиёсий, давлат, иқтисодий ва маданий ҳаётининг ҳамма соҳалари пролетар интернационализми ва совет ватанпарварлиги идеялари билан суғорилган.

Ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялаш партиямиздан омма ўртасида доимо ва ҳар томонлама сиёсий иш олиб боришни, миллий хусусиятларни ҳисобга олишни, миллатлар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашни талаб этади. Ўтмишда саноат ишчилари кам бўлган Ўзбекистон каби республикаларда бу иш айниқса мураккаб ва қийин эди.

Совет Туркистони шароитида, миллий чегараларга бўлинишдан кейин эса Ўзбекистон шароитида ҳам, улуғ давлат шовинизми ва маҳаллий миллатчилик жиддий хавф туғдирган эди. Қўқон мухториётчиларининг кўпгина босмачи шайкаларининг контрреволюцион ишларини, турли ниқобдаги миллатчи-оғмачи группаларни ва ҳоказоларни эса тушириб ўтаман.

Республика меҳнаткашлари Қўқон мухториётчиларининг, босмачиларнинг, буржуа-миллатчи гуруҳларнинг халққа қарши, контрреволюцион моҳиятини кўриб ишондилар. Ўмманинг ёрдамидан маҳрум бўлган Қўқон мухториётчилари, босмачилар, буржуа миллатчи гуруҳлар тор-мор келтирилди. Барча халқларимизнинг қардошларча дўстлиги ва ҳамкорлигидан иборат марксча-ленинча идеология тантана қилди.

Пролетар интернационализми байроғига содиқ бўлган Ўзбекистон Коммунистик партияси буюк давлат шовинизми кўринишларига ва шунингдек маҳаллий миллатчилик кўринишларига қарши курашда ўсди ва чиниқди.

Бироқ, шу нарса маълумки, буржуа идеологиясининг кўринишлари, айниқса миллатчилик сарқитлари тез тугаб кетадиган нарса эмас. Буржуа идеологияси кўринишларини ва миллатчилик сарқитларини фақат муттасил сиёсий, тарбиявий иш олиб бориш йўли билангина тугатиш мумкин.

Мамлакатимизда эксплуататор синфлар тугатилиши билан буржуа миллатчилигининг ҳар қандай замини емириб ташланди. Социалистик миллатларнинг моҳияти учун шовинизм ва миллатчилик ёт бир нарсадир. Аммо, бундан ножўя ҳаракатларга ва сиёсий зарарли қайфиятларга, шу жумладан миллатчилик қайфиятларига ўрин қолмади, деган мазмун чиқмайди, албатта. Бу қайфиятларга қарши муросасиз кураш олиб бориш зарур.

Шахсга сиғиниш қоралланганлиги ва унинг салбий оқибатлари тугатилаётганлиги муносабати билан баъзи бировлар Ўзбекистонда ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам миллатчилик бўлмаган ва йўқ, деган ғалатларни айта бошладилар. Бу ҳалдаги қайфиятлар бутунлай хато ва хатарлидир.

Буржуа миллатчилигининг ҳар қандай формаларига, миллий чекланиш ва маҳаллийчиликнинг ҳар қандай шаклдаги кўринишларига қарши курашиш билан бирга, миллий сиёсатни бузишнинг ҳар қандай шаклларига, соф виждонли кишиларга туҳмат қилиб, уларни ҳеч бир асоссиз миллатчи деб айблаш ҳолларига қарши кескин кураш олиб боришимиз лозим.

Айрим мансабпарастлар, демагоглар ва душман элементлар партия миллий сиёсатини бузишга, соф виждонли кишиларга асоссиз равишда миллатчи деб туҳмат қилишга ва бу билан интеллигенция кадрлари орасида норозилик ва эшончсизлик туғдиришга неча марталаб уриниб кўрдилар.

Танқид ва ўз-ўзини танқид социалистик жамиятни ҳаракатлантирувчи кучларнинг биридир; ишдаги хатоларни ва камчиликларни очиб берадиган ўткир воситадир, кадрларни тўғри тарбиялашнинг муҳим методидир. Соғлом, халол, принципиал танқид доирасини торайтириш тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Лекин танқиддан бутунлай нотўғри фойдаланиш, танқид ниқоби остида айрим ходимларнинг, интеллигенция намояндаларининг обрўйини тўкиш ҳолларига асло тоқат қилиб бўлмайди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бюроси 1937-1939 йилларда миллатчиликда ва ватанга хиёнат қилишда айбланиб қамалиб кетган ва республикамизнинг отоқли ходимлари бўлган баъзи кишиларнинг ишларини кўриб чиқди. Миллатчиларни ва ватан хоинларини фош қилиш, душман элементларнинг фаолиятини тугатиш соҳасида ўша вақтда катта ишлар қилинганлиги билан бир қаторда Ўзбекистон Коммунистик партиясининг айрим арбоблари бегуноҳ қоралангалиги ҳам аниқланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг тақдимига биноан яқинда қуйидаги ходимлар асоссиз айблангаликлари учун батамом оқландилар:

Болтабоев — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ секретари,

Исломов — собиқ молия халқ комиссари,

Исломов — собиқ ер ишлари халқ комиссари,

Ортиқов — Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг собиқ биринчи секретари,

Исроилов — Хоразм округ партия комитетининг собиқ секретари,

Болтаев — Қорақалпоғистон область партия комитетининг собиқ секретари,

(Охири олтинчи бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ИНТЕЛЛИГЕНЦИЯСИ СЪЕЗДИ

Ўртоқ Н. А. МУҲИТДИНОВ докладининг охири

(Боши бешинчи бетда)

Усмонов — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ бўлим мудири,

Берегин — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ бўлим мудири,

Ҳасанов — «Правда Востока» газетасининг собиқ масъул редактори,

Манжара — Ўзбекистон ССР Марказий ижроия комитети раёсининг собиқ ўринбосари,

Шодиева — Молотов район партия комитетининг собиқ биринчи секретари.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ биринчи секретари Икромовнинг иши ҳозирги вақтда ўрганилмоқда.

Кейинги йилларда айбланиб ҳукм қилинган кишилар ҳақидаги материаллар ҳам сўнгги ойларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида кўриб чиқилди. Бу кишиларнинг кўплари миллатчиликда нотўғри айбланганлиги аниқланди, ҳозир улар оқландилар ва раҳбарлик вазифаларида ишламоқдалар (Сулаймон Азимов ва бошқалар).

Ўртоқ Муҳаммаджон Пўлдошев ҳам нотўғри айбланганлиги маълум бўлиб қолди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўртоқ Пўлдошевни республикага қайтариб келтирди ва уни Компартия тарихи институтининг директори қилиб тасдиқлади.

Бир қанча олимлар, шоирлар, ёзувчиларни миллатчи деб улар устига қўйилган айблар олиб ташланди, ҳозир буларнинг кўплари самарали ишламоқдалар.

Лекин, мансабпарастлар, демагоглар, партияга қарши элементлар бундан буён ҳам миллий сиёсатни бузишга, ўзларига ёқмайдиган кишиларнинг обрўйини тўкишга ва уларни қоралашга уринмайдилар деб айтиш мумкинми? Албатта бундай деб бўлмайди.

САГУ доценти Ўртоқ Бондаревский 1953 йилда «Ўзбекистоннинг идеология фронтида буржуа миллатчилигининг ҳозирги кўринишлари ҳақида» деб 15 варақдан иборат маълумотнома ёзган. Шу маълумотномада у Ўзбекистоннинг бир қанча олимларини, ёзувчиларини ва давлат арбобларини миллатчиликда айблайди.

У мазкур кишиларни айбламоқ учун асосий далиллар сифатида шу нарсани ҳам келтирганки, гўё бу одамлар Багировнинг «Муридизм ва Шомил ҳаракатининг характери масаласига доир» деган мақоласига эътибор бермаган эмишлар ва шу мақолани Ўзбекистон шароитига татбиқ қилмаган эмишлар. Бондаревский фош қилиш жазавасига берилиб кетиб, шу даражага бориб етдики, ўзбек олимлари билан дўст бўлиб, биргаликда ишлаган айрим рус олимларини маҳаллий миллатчиликка хомийлик қилишда айблади.

Бошқа бир мисолни айтиб ўтай. «Қизил Ўзбекистон» газетасининг Самарқанд областидаги собиқ мухбири Баримов областдаги раҳбар ходимларнинг обрўсини ҳар қандай қилиб бўлса ҳам ерга уришни ўзига мақсад қилиб олган. У областдаги раҳбар ходимларни партия сиёсатини бузишда айбламоқ учун область партия ташкилотининг ишидаги айрим камчиликларни бўрттириб кўрсатишга ва улардан фойдаланишга уринган.

Ҳеч шубҳасиз ҳар бир киши ҳам ўзининг амалий ишида хатога йўл қўйиши мумкин. Бундай ҳолда хатоларнинг характерини, бу хатоларнинг сабабини чуқур анализ қилиш, хато қилган кишига асоссиз ҳар хил айблар қўймасдан, балки унинг шу хатоларини кўрсатиб бериш керак. **(Қарсаклар).**

Танқид қилганда ҳам танқид қилинувчининг устига ҳеч асоссиз нарсаларни тўнкаш ва уни емириб ташлаш учун танқид қилмасдан, балки хатоларни тузатишда унга ёрдам бериш учун, кадрларимизни тарбиялаш учун танқид қилиш керак. **(Қарсаклар).**

Айрим «танқидбозлар» танқид ва миллатчиликка қарши кураш ниқоби остида ходимларнинг миллий фазилатини поймол қилиш даражасига бориб етадилар.

«Звезда Востока» журнали саҳифаларида қорақалпоқ шоири Бердахнинг адабий мероси реакцион деб эълон қилинди, қорақалпоқ совет адабиёти миллатчиликда айбланди.

Абдунабиев ва Степановлар бир вақтлар машҳур «Алпомиш» эпосини асоссиз равишда халққа қарши асар деб эълон қилдилар. «Алпомиш» тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг X пленумида ҳам шу зайлда гапирилди. Баҳоланки, бу масала ҳар томонлама ва чуқур ўрганилиши керак эди. Яқинда Тошкентда ўтказилган адабиётшуносларнинг регионал кенгаши бу эпосни ўрганишга қўшилган катта ҳисса бўлди.

Ўртоқлар! Миллатчилик саркитлари капитализмнинг яшовчан ва хатарли саркитларидан биридир. Бу саркитлар турли шаклларда ўзини кўрсатади ва миллий чекланишни, маҳаллийчиликни тарғиб қилганлиги учун ҳам хатарлидир, меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялаш ишига зарар етказади.

Миллатчиликнинг ҳар қандай саркитларига қарши жуда кескин кураш олиб бориш зарур. Миллатчиликка қарши кураш кўп миллатли совет давлатини янада мустаҳкамлашнинг, иттифоқчи республикаларни сиёсий, хўжалик ва маданий жиҳатдан юксалтиришнинг муҳим шартидир.

Меҳнаткашларни, кадрларимизни совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялаш идеология ишимизнинг асосий вазифаси бўлиши лозим.

Бизнинг жамиятимизда социалистик миллатлар ҳар томонлама ривожланмоқда ва гуллаб-яшнамоқда, улар бир-бирлари билан яқинлашмоқдалар, бир-бирлари билан ҳамкорлик қилмоқдалар.

Ўзбек халқи ўзининг ҳамма муваффақиятларига ленинча миллий сиёсатнинг оғишмай амалга оширилаётганлиги туфайли, халқлар ўртасидаги дўстлик туфайли, халқларнинг бир-бирига қардошларча ёрдамлашаётганлиги туфайли эришди ва ғалаба қозонди.

Келинг, айрим фактларни эслаб кўрайлик, Ўртоқлар.

Ўзбекистоннинг машинасозлик саноати Москва, Ленинград, Урал саноат корхоналаридаги инженерлар, техниклар ва мутахассисларнинг ёрдами билан вужудга келди. Республикамизнинг нефть саноати Боку ва Грозний нефтчиларининг ёрдами билан барпо бўлди. Ўзбекистон кўмир саноатини яратишда Донбасс, Кузбасс, Қарағанда шахтёрлари ва мутахассислари бевосита қатнашдилар. Республиканинг тўқимачилик саноати шонли Иваново тўқимачиларининг ёрдами билан ва бевосита иштирокида вужудга келди.

Маданий революция қилишда, аҳолини саводли қилишда, миллий интеллигенцияни етиштиришда Ўзбек халкига ким ёрдам берди?

Аввало — республикамизда ўзбек халқи билан қўлни-қўлга бериб ишлаётган рус халқи, унинг намояндалари ёрдам берди. **(Давомли қарсаклар).**

Граждан уруши йилларидаёқ В. И. Ленининг Декрети билан отоқли олимлар Тошкентга келиб, Ўрта Осиё давлат университетини ташкил этишда, республикада олий таълимни ривожлантиришда актив қатнашдилар.

Совет Ўзбекистонида фан ва маданиятнинг барқ уриб ривожланганлиги тўғрисида, ўзбеклардан ва бошқа маҳаллий миллат кишиларидан ажойиб кадрлар ўсиб етишганлиги, олимларимиз эса илм-фан соҳасида жиддий муваффақиятларга эришганликлари тўғрисида гапирган вақтимизда, илм-фанни ривожлантиришда, олимларнинг, интеллигенциянинг миллий кадрларини тайёрлашда рус олимларининг катта роль ўйнаганликларини айтиб ўтмоқ керак.

Бертельс, Толстов, Черданцев, Шчедрин, Боровков, Коровин, Семенов, Додонов Ўртоқларга ва бошқа отоқли олимларга Ўзбекистонда фанни ва маданиятни ривожлантиришда кўрсатган хизматлари учун ўзбек интеллигенцияси ва бутун ўзбек халқи номидан ўз ташаккуримизни ва чинакам миннатдорчилигимизни изҳор қилишга ижозат берингиз. **(Давомли қарсаклар).**

Ўзбекистон индустриал-колхоз республикасига айланган ва ўзининг тажрибали кадрларига эга бўлган ҳозирги тараққиёт босқичида ҳам, унга Совет Иттифоқидаги ҳамма халқлар кун сайин қардошларча ёрдам бераётганликларини кўриб турибмиз.

Ўзбекистон интеллигенциясининг бу съезди Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги чинакам дўстликни, қардошлик алоқаларини кўрсатувчи ёрқин намойишдир. Бу съездда 20 миллат вакиллари қатнашмоқда.

Бизнинг съездимизга Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Ватанимиз пойтахти севикли Москванинг шонли интеллигентлари делегациялари келди. **(Давомли қарсаклар).**

Булар олимларнинг, маданият арбобларининг, раҳбар партия, совет ходимларининг отоқли намояндаларидирлар. Улар ўзбек халқига ўзларининг қардошлик ҳисларини яна бир марта таъкидлаб кўрсатмоқ учун, Ўзбекистон меҳнаткашлари олдида турган катта вазифаларни ҳал қилишда қатнашиб ва ўртоқларча маслаҳат бериб, бизга ёрдамлашмоқ учун бу ерга келдилар. Бунинг учун ўзбек халқи ва интеллигенциямиз улардан миннатдордир.

Бугун қозоқ халқи давлатга 1 миллиард пуд ғалла топшириб, ваъдасини бажарди. **(Қарсаклар).**

Ўзбекистон меҳнаткашлари ва шу съезд қатнашчилари номидан қон-қардош шонли қозоқ халқини унинг меҳнат ғалабаси билан чин қалбдан табриклашга руҳсат этгайсиз. **(Гулдурос қарсаклар).**

Бизнинг орамизда чет эллардан Ўзбекистонга келган делегациялар — Хитой Халқ Республикаси сув хўжалиги мутахассислари, Корея Халқ Демократик Республикаси қишлоқ хўжалик ходимлари, Умумҳиндистон кооператив союзининг ходимлари ва Миср ёзувчилари бор.

Ўзбек халқи азиз меҳмонларимизга мурожаат қилиб айтади: «Хуш келибсиз қадирдон дўстлар!» **(Гулдурос қарсаклар).**

Моддий ишлаб чиқариш ва маънавий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида халқларнинг бир-бирига ёрдамлашуви ва қардошларча ҳамкорлиги — совет жамиятининг қонунидир, ғалаба билан олга боришимизнинг муқаррар шартидир.

Бутун мамлакатимизнинг экономикаси, хўжалиги бир бутун, асло ажрамайдиган яхлит экономика ва хўжаликдир. Мамлакат ижтимоий ишлаб чиқаришида ҳар бир республиканинг муайян ўрни бор, ҳар бир республика умумхалқ ишига ўз ҳиссасини қўшади, ҳар бир республиканинг муваффақиятлари бошқалар учун ҳам манфаатли ва фойдалидир.

Масалан, тожик пахтакорлари пахта майдонининг ҳар гектаридан олинаётган ҳосил жиҳатидан жаҳонда ҳақиқатан ҳам биринчи ўринда турадилар, ҳақли равишда мўл ҳосил устали деб ҳисобланадилар. Бу билан уларни чин қалбимиздан табриклаймиз **(Қарсаклар).** Ўзбек пахтакорлари қардош Тожикистон пахтакорларининг тажрибаларини диққат билан ўрганиб, бу тажрибаларни ўзларининг пахта далаларида кенг татбиқ қилишни ўзлари учун ор билмасликлари лозим.

Шу нарса ҳам маълумки, ўзбек халқи суғориладиган деҳқончиликда ўзининг қобилияти, меҳнати билан, сув ресурсларини кўпайтириш ва суғориладиган ерларни кенгайтириш учун олиб бораётган кураши билан қадим замонлардан бери шуҳратқозониб келмоқда. Бу жиҳатдан тожик пахтакорлари ўз қон-қардошлари бўлган ўзбеклардан кўп нарсаларни ўрганишлари мумкин. **(Қарсаклар).**

Бошқа қардош республикаларнинг ҳаммасида ҳам катта муваффақиятлар ва ижобий тажрибалар бор. Биз Ўзбекистон меҳнаткашлари шу муваффақиятларни ва тажрибаларни диққат билан ўрганиб, ўз ишимизда улардан фойдаланишимиз керак.

Хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида барча қардош халқлар билан бўлган алоқаларни тагин ҳам кўпроқ кенгайтириш зарур. Бу алоқалар қанчалик кенг ёйилса ва хилма-хил бўлса, умуман мамлакатимизда ва ҳар бир айрим республикада муваффақиятлар шунчалик кўп бўлади.

Бизда Совет ҳокимияти йиллари мобайнида халқ хўжалиги ва маданиятнинг ҳамма тармоқлари учун кадрлар тайёрланди. Булар халқ орасидан чиққан ва интернационализм руҳида тарбияланган кадрлардир.

Ўзбекистонда давлат, хўжалик ва маданий қурилишнинг бирон участкаси йўққи, бу участкада раҳбарлик ишларида маҳаллий миллатлардан ва аввало ўзбеклардан раҳбар кадрлар бўлмасин. Лекин, бундан Ўзбекистон аҳолиси кўп миллатдан ташкил топган бир шароитда фақат бир миллат кишиларинигина юқори мансабларга кўтариш керак, деган маъно келиб чиқмайди.

Ўзбекистонда ўзбеклар ва руслар, қорақалпоқлар ва қозоқлар, тожиклар ва туркманлар, украинлар ва белоруслар, татарлар ва қирғизлар ва бошқа миллатларнинг намояндалари аҳил бўлиб ишламоқдалар. Бу нарса бизнинг зиммамизга Ўзбекистон территориясида яшаб турган ҳамма миллатларга сезгирлик ва эътибор бериб қараш, уларнинг миллий хусусиятларини ва талабларини ҳисобга олиш мажбуриятини юклайди.

Ҳар бир ходимнинг фазилатига ва камчиликларига баҳо берганда унинг миллатидан қатъий назар маънавий-сиёсий қиёфасига, ишчанлик ҳислатларига асосланиб иш кўриш керак. Биз ҳеч бир кимсанинг миллатига қараб унинг баҳосини оширишимиз ёки камайтиришимиз керак эмас. Кадрларга қандай ишлаётганларига қараб, топширилган ишни қандай бажараётганликларига, партия, халқ олдидаги ўз бурчларини қанчалик виждонан ado этаётганликларига қараб баҳо беришимиз керак.

Шу нарсани айтиш керакки, айрим интеллигент Ўртоқлар ўзларининг пухта ўйланмай айтган гаплари билан турли миллат намояндалари ўртасидаги дўстликка халал етказмоқдалар. Ёзувчилардан А. Қаҳҳор ва Мильчаков ўртасида бўлиб ўтган жанжални қоралаш керак. Улар Ўзбекистон совет ёзувчилари союзининг якинда бўлиб ўтган пленумида асоссиз ва кўпол тарзда бир-бирларини миллатчиликда айбладилар.

Маҳаллий манфаатларни кўлаб умумдавлат манфаатларини унутиб қўйишдан иборат бўлган маҳаллийчилик ўтмишнинг зарарли саркитларидан биридир. Ўзбекистон Компартияси маҳаллийчилик тенденцияларига қарши кураш олиб борди ва кураш олиб боради.

Иттифоқчи республикаларнинг, республика министрликлари ва бошқармаларининг ҳуқуқлари кенгайтирилганлиги муносабати билан биз республика органларининг активлигини, ташаббускорлигини ҳартомонлама ривожлантиришимиз, шу билан бир вақтда умумдавлат вазифаларини иккинчи ўринга суриб қўйиш ҳолларига асло йўл қўймаслигимиз лозим.

Масалан, пахтачиликни ривожлантириш масаласини олиб кўрайлик. Ўзбекистон меҳнаткашлари аввало пахтачиликни ҳар томонлама ривожлантиришни ўзларининг ватанпарварлик бурчлари деб биладилар. Уларнинг СССРдаги бошқа халқлар билан интернационал алоқалари шу билан ифодаланадиқи, улар аввало пахта етиштиришни кўпайтириш билан социалистик давлат кучини ва қудратини мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшадилар. Пахтачиликни кескин равишда юксалтириш учун, Партия ва Ҳукуматнинг мана шу энг муҳим техника экини ҳосилини кўпайтириш тўғрисидаги топшириғини бажариш учун курашаётган кили Ватан олдидаги ўзининг интернационал бурчини бажараётган кишидир.

Группабозлик бўлган жойларда кўпинча ҳар қандай зарарли ва хунук қайғиятлар рўй беради. Группабозлик шунинг учун ҳам хатарлики, бунинг натижасида принципсизлик, ғийбатлар, фисқи-фасадлар туғилади, бу нарса кадрларимизни бузади, уларни камчиликларни бекитиб ва бўяб кетишга, бир-бирларининг айбларини яширишга ўргатади. Группабозлик шундай бир иллатдирки, унга қарши жуда кескин курашиш керак.

Миллатчилик кўринишлари адабиёт ва санъат соҳасида миллий адабиётлар ва санъатларнинг бир-бирига яқинлашуви ва бир-бирига таъсир ўтказиши прогрессив аҳамиятга эга эканлигини инкор қилишда намоён бўлади. Миллий адабиётларнинг бир-бирига яқинлашуви ва бир-бирига таъсир ўтказуви уларнинг миллий хусусиятини йўқотади, деб даъво қилувчи киши миллатчиликка мойиллик қилган бўлади. Шу билан бирликда ҳар бир халқнинг маданиятини ҳар томонлама ривожлантирмоқ учун ҳар бир халқ маданиятининг ўзига хос хусусиятларини жуда эътибор билан ҳисобга олиш зарур.

Миллатчилик тарих соҳасида феодал ўтмишни мақташ ва идеаллаштиришда намоён бўлади. Халқ оммасининг тарихи ўрнига хонлар ва беклар фазилатини кўрсатиш тарих соҳасидаги миллатчилик кўринишларининг биридир.

Интернационализм жон-танига сингиб кетган, ўз халқининг бошқа халқлар билан алоқаларини ва дўстлигини мустаҳкамлашга ёрдам бераётган киши чинакам ватанпарвардир. Бошқа халқларнинг маданиятига, тарихига, яхши традицияларига, урф-одатларига, ютуқларига ва муваффақиятларига менсимасдан, мақтанчоқлик билан қараётган, ўзининг тор эгоистик манфаатларини интернационал бурчдан юқори қўйдиган киши халқлар дўстлигини мустаҳкамлашга катта сиёсий зарар етказади.

Улуғ Ленин миллий хусусиятларга ва тафовутларга жуда эътибор бериб ва эҳтиётлик билан қараш зарурлигини кўрсатиб ўтган эди. Бироқ, халқнинг миллий хусусиятлари ва олижаноб ҳислари, умумкишилик маданиятининг хазинасига халқнинг қўшаётган ўзига хос хусусиятларини ҳурматлаш бошқа-ю, масалан, хотин-қизларнинг инсоний фазилатларини камситиш, диний урф-одатларни бажо келтириш, бидъат ва хурофотларга берилиш сингари ўтмиш саркитларини қўллаб-қувватлаш бошқадир.

Октябрь революцияси ўзбек хотин-қизларини озод қилди, илм ва маданиятнинг кенг йўлига олиб чиқди, уларга ишлаб чиқариш ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда актив қатнашиш имкониятини берди.

Бизда минглаб ўзбек хотин-қизлари ўқитувчи ва врач, агроном ва инженер бўлиб, саноат ва қишлоқ хўжалигида, транспорт-алоқа соҳасида, партия ва давлат аппаратида раҳбарлик ишларида ишламоқдалар.

Ўзбекистон Компартиясининг Марказий Комитети хотин-қиз кадрларни партия, совет ва жамоат ишларига бутун буён ҳам дадиллик билан кўтариш вазифасини қўймоқда.

Хотин-қизларга нисбатан алоҳида ғамхўрлик қилиш керак. Давлат хизматини бажариш, болаларни тарбиялаш, оилани эплаштириш уларнинг зиммасида. Шу сабабли хотинларга ҳар томонлама ёрдам бериш, уларнинг нормал ва самарали ишлашлари учун бутун шарт-шароит яратиб бериш зарур. **(Қарсаклар).**

Шунинг учун ҳам хотин-қизларга нисбатан шу вақтгача бўлиб келаётган ўтмишнинг шармандали саркитлари тўғрисида — кўп хотин олиш, хотинларни тўрт девор орасида ўтқазиб қўйиш, ёши етмаган қизларни эрга бериш, ўзбек қизларини ўқишга юбормай қўйиш сингари шармандали ҳоллар тўғрисида ғазабланмаслан ғапириш мумкин эмас.

Афсуски, айрим интеллигентлар ўтмишнинг турмушдаги сарқитларига бепарволик билан қарайдилар, мана шу разилона ҳолларга қарши кескин кураш олиб бормайдилар. Ҳатто мана шу сарқитларнинг кўринишлари, алоҳида хилоф ишлар билан шуғулланиш интеллигенция орасида ҳам бор.

Бундан кўриниб турибдики, Ўзбек халқи, одамларнинг онгидаги ва турмушидаги ўтмиш сарқитларига қарши кураш масаласи кескин тус олмоқда.

Лекин ўтмиш сарқитлари ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетмайди. Бу сарқитларни тугатмоқ учун меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида мунтазам, қизғин иш олиб бориш талаб қилинади.

Одамларимизни меҳнатга ва социалистик мулкка коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш, давлат ва жамоат маблағларини ўғирлаш сингари ҳодисаларга қарши, яъни коммунистик жамият қоидаларига асло тўғри келмайдиган ҳодисаларга қарши кураш энг муҳим вазифалардандир. Халқ мулкини исроф қилиш ва ўғирлашга қарши, ўғирлиқ ва муттаҳамликка қарши, меҳнат қилмай, кун кўраётган айрим бузуқ элементларга қарши кескин кураш олиб бориш керак. Жамиятга қарши қилинадиган ножўя ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида оммавий-сиёсий ишларни, айниқса ўшлар орасида олиб бориладиган оммавий-сиёсий ишларни ҳар томонлама яхшилашимиз зарур.

Мамлакатимизда совет демократиясини янада ривожлантириш, граждланларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳоли турмушининг моддий даражасини ва маънавий савиясини юксалтириш соҳасида катта тадбирлар амалга оширилмоқда. Лекин бундан гражданларнинг социалистик жамият қоидаларига ва қонунларга риоя қилишларига эътиборни бир оз бўлсада сусайтириш мумкин деган маъно чиқмайди. Бизнинг ҳамма гражданларимиз ўзларига берилган ҳуқуқларидан тўла фойдаланиш билан бир қаторда Конституция томонидан ўзларига юклатилган мажбуриятларга ҳам қаттиқ риоя қилишлари лозим.

Ўртоқлар! Партиямиз совет интеллигенцияси тўғрисида катта ғамхўрлик қилмоқда ҳамда хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма вазифаларини ҳал этишда совет интеллигенциясини жиддий таянч деб билмоқда. Республика интеллигенцияси 25 мингдан кўпроқ инженер ва техниклар, 10 минг агроном, зоотехник ва ирригаторлар, 24 минг врач ва медицина ходимидан, 60 мингдан кўпроқ ўқитувчидан, шунингдек фан ва маданият арбобларининг катта отрядидан иборат ғоят зўр кучдир.

Партия ташкилотлари тўғри раҳбарлик қилиб турганларида бу қудратли куч муъжизалар ярата олади.

Аввало интеллигенция кучларини халқ хўжалиги ва маданиятнинг турли соҳаларига рационал равишда қўйиб, улардан самарали фойдаланиш, кадрларимизнинг энг кўп фойда келтиришларини таъминлашни кўзда тутиб оқилона фойдаланиш зарур. Бизда моддий ишлаб чиқариш ва фан соҳасида ишламаслан, балки идораларда, маъмурий вазифаларда ишлаётган қобилиятли мутахассислар, илмий ходимлар оз эмас.

Саноат ва қишлоқ хўжалигида, транспорт, алоқа корхоналарида, мактабларда ва олий ўқув юртларида, илмий-текшириш муассасаларида ишлаётган мутахассислар ўзларининг бутун кучларини фойдали, ижодий меҳнатга сарф қилмоқлари учун уларга зарур шарт-шароитлар яратиб бериш лозим.

Шу муносабат билан бир нарсани айтиб ўтмоқчиман: биз кўпинча мутахассисларни ва илмий ходимларни аҳамияти ҳам бўлган топшириқлар ва ишлар билан жуда банд қилиб қўймоқдамиз, сон-саноқсиз мажлисларга, кенгашларга ва йиғилишларга уларни қатнаштира бериб, унумли ишлашига зарар етказмоқдамиз.

Бу — беҳуда исрофгарчиликдир ва бунга хотима бериш керак. **(Қарсаклар).**

Партия органлари интеллигенция орасида олиб бориладиган сиёсий ишлар савиясини кучайтиришлари, уларни муҳим хўжалик-сиёсий вазифаларни ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал қилишда актив қатнашишига ўз вақтида йўллаб туришлари лозим.

Бизнинг вазифамиз — интеллигенция кучларини бирлаштиришдан, уларни коллективизм ва ўртоқчилик руҳида тарбиялашдан иборат.

Партия ташкилотлари интеллигенция кадрларини сиёсий тарбиялашга ва ғоявий-назарий жиҳатдан чиниқтиришга алоҳида эътибор беришлари лозим.

Партиямиз шунинг учун ҳам кучли ва енгилмаски, у ўз сиёсатида ижтимоий тараққиёт қонунларига асосланади, бундай қонунларни фақат марксизм-ленинизмгина очиб беради.

Партиямиз марксизм-ленинизмга ўзининг содиқлиги билан ҳамиша енгиб келди ва енгади. Интеллигенция кадрларида коммунистик лунё қарашни вужудга келтириш, уларни назарияни ижодий ўрганишга қилиб, марксизм-ленинизмга ёт бўлган парсаларнинг ҳаммасига қарши муросасиз кураш олиб борадиган қилиб тарбиялашимиз зарур.

Социал-сиёсий системалари турлича бўлган мамлакатларнинг тинч-тотув яшашлари социалистик идеология билан буржуазия идеологияси бир-бири билан муроса қилади, деган сўз эмас.

Биз марксизм-ленинизм идеологиясига хиёнат қилишга, марксизм-ленинизмни ревизия қилишга, буржуа идеологиясига ён беришга уринишдан иборат хатоларга асло чидаб қараб турасолмаймиз.

Ҳар бир совет интеллигентининг вазифаси шундан иборатки, у ўз билимини инсониятнинг фан, техника ва маданият соҳасидаги ҳамма ютуқлари билан тинмай бойитиб бориши, ўз маҳоратини доимо такомиллаштириб туриши, фан ва техникани олга силжитиши лозим.

Бизнинг бутун идеология ишларимиз КПСС XX съезди қарорларини таъсирли пропаганда қилишга қаратилиши, ҳар бир корхона, колхоз, совхоз ва МТС, ҳар бир муассаса ва бошқарманинг, ҳар бир илмий-текшириш муассаса ва олий ўқув юртининг амалий вазифалари билан чамбарчас боғлаб олиб борилиши, моддий ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва маданиятни янада юксалтириш соҳасида барча меҳнаткашларнинг ташаббускорлигини ва ижодий активлигини ривожлантириши лозим.

Ўртоқлар! Бутун совет халқи каби Ўзбекистон Коммунистик партияси ва меҳнаткашларининг фаолияти ҳозирги вақтда олтинчи беш йилликнинг биринчи йили — 1956 йил планини тўла ва ошириб бажаришга батамом бўйсунтирилгандир.

Ўзбекистон саноати шу йилнинг 8 ойлик планини 103 процент бажарди.

Республика ғалла, пилла, қоракўл тери топшириш давлат планини бажарди. Сут ва гўшт тайёрлаш ҳамда закупка қилиш ярим йиллик плани бажарилди.

Колхозчилар, совхоз ва МТС ишчилари ўз социалистик мажбуриятларини — бу йил Ватанга қамида 3 миллион тонна пахта бериш юзасидан олган мажбуриятларини бажариш учун курашда фидокорона меҳнат қилдилар. Улар яхши меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштирдилар. Энди асосий вазифа ана шу ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олишни таъминлашдан, нобудгарчиликка йўл қўймаслик ва олинган мажбуриятни сўзсиз бажаришдан иборат. **(Қарсаклар).**

Моддий-техника ресурслари ва малакали кадрларнинг мавжудлиги, халқимизнинг меҳнат ва сиёсий активлиги бу йил республикамиз ўз олдида турган барча вазифаларни муваффақиятли бажаради, деб айтиш учун имкон беради.

Халқ баҳт-саодати тўғрисида, Ватанимиз қудратини мустаҳкамлаш тўғрисида, СССРдаги ҳамма миллатлар ва халқларнинг ижодий кучларини янада гуллатиб-яшнатиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш Партия ва Совет ҳукумати учун олий қонунидир.

Дам олиш ва байрам кунлари олдидан иш кунини камайтириш тўғрисида, ёш ишчилар ва хизматчилар учун олти соатлик иш куни белгилаш тўғрисида, ўрта мактабларнинг юқори синфларида, техникумларда ва олий ўқув юртларида ўқишларнинг кунин олтмишдан қисқа бериш тўғрисида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қўрган тадбирлар, давлат пенсиялари тўғрисидаги янги Қонун, хотинларга бериладиган ҳомиладорлик отпускаларини кўпайтириш тўғрисидаги, кам ҳақ оладиган ишчилар ва хизматчиларнинг иш ҳақини ошириш тўғрисидаги қонунлар меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини янада оширишга ҳамда уларнинг маданий-маиший талабларини ва эҳтиёжларини қондиришга қаратилган тадбирлардир.

Партия ва Ҳукумат фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳасида қилинган самарали ишларни, адабиёт ва санъатнинг энг яхши асарларини ҳамиша ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети энг яхши илмий асарлар, архитектура ва қурилиш иншоотлари учун, халқ хўжалигига жорий қилинган ихтиролар, машиналарнинг конструкциялари, янги материаллар ишлаб чиқариш методларининг такомиллаштирилганлиги учун бериладиган Ленин мукофотларини қайта тиклаш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Адабиёт ва санъатнинг кенг жамоатчиликка маъқул бўлган энг яхши асарлари учун бериладиган Ленин мукофотлари янгидан таъсис қилинди.

Совет халқи мана шу тадбирларнинг ҳаммаси улуғ Ленин идеяларининг тантанаси эканлигини ҳамда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX съезди қарорлари ҳаётий қарорлар эканлигини кўриб турибди ва коммунизмнинг моддий-техника базасини барпо қилиш учун тагин ҳам кўпроқ ижодий ғайрат билан ишлашга қаттиқ бел боғлаган.

Ўртоқлар! Бир йилдан кейин бутун совет халқи ва барча прогрессив инсоният Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 40 йиллигини нишонлайди, Ўзбекистон меҳнаткашлари Ватанимизнинг ҳамма халқлари билан бирликда бу улуғ байрамни ишлаб чиқаришда янги муваффақиятлар билан кутиб оладилар.

Ўзбекистон Коммунистик партияси, интеллигенцияси ва барча меҳнаткашлари партиямиз Марказий Комитети теварагида мустаҳкам жипслашган ҳолда Партиямиз бош йўлига ҳамиша содиқ бўлиб келдилар. Ўзбек халқининг Совет Иттифоқидаги ҳамма халқлар билан қардошларча дўстлигини мустаҳкамлаб, ўзларининг ватанпарварлик ва интернационал бурчларини шараф билан бажариб келдилар.

Мамлакатимиз ҳозирги вақтда ҳар қачонгидан кўра ҳам зўр куч билан юксалиб бормоқда. Халқимиз Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ленинчи Марказий Комитети теварагида ҳар қачонгидан кўра мустаҳкамроқ бўлиб жипслашган. Коммунистик партия ҳар қачонгидан кўра ҳам яхлит, монолитдир, ғайратга тўлиб тошиб ва халқ билан мустаҳкам боғланиб ишламоқда.

Инсониятнинг коммунизмга томон тўхтовсиз бораётган енгилмас тарихий ҳаракатини тўхтата оладиган куч жаҳонда йўқ.

Қадирдон Ўртоқлар, Ўзбекистон Коммунистик партияси Ўзбекистонинг интеллигенцияси, барча меҳнаткашлари бунга ишонадилар ва Партия XX съезди ва Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ленинчи Марказий Комитетини ишонтиришга ижозат берингиз. **(Гулдурос қарсаклар).**

Яшасин улуғ ва кўп миллатли Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи! **(Қарсаклар).**

Совет халқ интеллигенциясига шон-шарафлар бўлсин! **(Қарсаклар).**

Доно Коммунистик партиямизга шон-шарафлар бўлсин! **(Қарсаклар).**

Яшасин марксизм-ленинизмнинг енгилмас байроғи! **(Гулдурос давомли қарсаклар).**

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1956 ЙИЛ 12 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунда	Мавсум бошидан
Пискент	1,17	64,82
Бўстонлиқ	1,75	62,54
Оржоникидзе	1,64	62,52
Уртасарой	1,69	61,99
Мирзачўл	1,35	61,51
Оҳангарон	1,19	60,97
Юқори Чирчиқ	1,82	60,31
Сирдарё	1,73	58,72
Бўка	1,59	57,47
Верхне-волинск	1,58	57,44
Октябрь	1,79	55,86
Гулистон	1,58	55,80
Оққўрғон	1,58	55,42
Янгийўл	1,45	54,75
Чиноз	1,35	54,04
Боёвут	1,33	52,31
Урта Чирчиқ	1,44	51,95
Қуйи Чирчиқ	2,00	48,42
Бекобод	1,43	48,10
Калинин	1,40	46,00

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Р. 08447. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр № 1542.